

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

**Қўл ёзма ҳуқуқида
УДК: 657**

НУРУЛЛАЕВ ТОИР ШУКУРИЛЛАЕВИЧ

**кооперация тизими иштирокчилари фаолияти молиявий натижаларини шакллантиришнинг ташкилий-услубий ва
ахборот-таҳлил таъминотини ривожлантириш**

**5A230901-Бухгалтерия ҳисоби (тармоқлар бўйича)
магистр даражасини олиш учун ёзилган
диссертация**

**Илмий раҳбар:
и.ф.н., доцент Б.Ю.Менгликулов**

Тошкент-2014

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш.....	3	I боб. Аграр тармоқда
кооперация муносабатларини шакллантиришнинг назарий-услубий		
асослар.....	8	1.1. Кооперация муносабатларини шакллантиришнинг назарий
услубий асослари.....	8	1.2. Агросаноат
мажмуида кооперация муносабатларини амалга ошириш		
тамоийллари.....		
18	I боб бўйича хулоса.....	25
	II боб.	
	Интеграциялашув ва кооперациялашув жараёнларида молиявий натижаларни	
	шакллантиришнинг назарий-услубий	
асослари.....	27	2.1.
Интеграциялашув ва кооперациялашувнинг моҳияти ва меъёрий-ҳуқуқий базанинг		
шакллантирилиши.....	27	2.2. Кооперациялашувнинг мазмуни
ва зарурати.....	32	2.3. Интеграциялашув ва кооперациялашув
жараёнларида молиявий натижаларни шакллантиришнинг назарий-услубий		
асослари.....	35	II боб бўйича
хулоса.....	38	III боб. Кооперация тизими
	ахборот-таҳлил таъминоти ва уни	
такомиллаштириш.....	40	3.1. Кооперация
тизимда молиявий натижаларни шакллантириш ҳисобининг ташкилий-услубий асослари,		
даромадлар ва харажатларни		
бюджетлаштириш.....	40	3.2. Кооперация
тизими иштирокчилари даромад ва харажатлар ҳисоби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш		
масалалари.....	50	3.3. Молиявий натижаларни таҳлил этишнинг аҳамияти, ахборот
манбалари ва ташкил қилиниши.....	54	III боб бўйича
хулоса.....	62	Хулоса.....
.....	64	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....
.....	68	Иловалар.....
		79

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Иқтисодий интеграция турли корхона ва тармоқларнинг, шунингдек мамлакатларнинг ишлаб чиқариш соҳасида бир-бирига яқинлашуви, улар ўртасида узвий иқтисодий алоқалар ўрнатилиши, мамлакатлараро ягона умумий ҳўжаликнинг шаклланиш жараёни ҳисобланади.

Кооперация ўзаро боғланган ишлаб чиқариш жараёнида ёки саноат тармоқларида кишиларнинг ёки ташкилотларнинг ҳамкорлик асосида ишлашини ташкил этиш шаклидир.

Бугунги кунда фермер ҳўжаликлари ҳақли равишда қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришининг муҳим бўғинига, уни ташкил этишнинг асосий шаклига айланди. Навбатдаги вазифа эса фермер ҳўжалиklarининг турли шаклдаги кооперацияларини тузиш, фермер ҳўжаликлари билан турли корхона ва тармоқларнинг ишлаб чиқариш соҳасида бир-бирига яқинлашуви, улар ўртасида узвий иқтисодий алоқалар ўрнатилиши, биргаликда ишни ташкил этиш ва ҳамкорликда муаммоларини ҳал этиш ҳисобланади.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармонида “...маҳсулот ишлаб чиқариш, харид қилиш, қайта ишлаш ва сотиш бўйича фермер ҳўжаликлари кооперациясининг турли шакллари ташкил этиш ва кенгайтиришга кўмаклашиш”¹ муҳим вазифалардан бири этиб белгиланди.

Фермер ҳўжаликлари кооперациясини турли шакллари ташкил қилиш, кооперация тизими иштирокчилари фаолияти молиявий натижаларини шакллантиришнинг ташкилий-услубий ва ахборот-таҳлил таъминотини ривожлантириш бугунги кундаги муҳим вазифалардан саналади ҳамда юқорида баён қилинган масалалар бўйича илмий-тадқиқот олиб бориш жуда муҳимдир.

Бозор шароитида сут ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш бўйича кооперация тизими иштирокчилари ўртасидаги иқтисодий муносабатларни ривожлантириш, трансферт баҳоларни ва молиявий натижаларни шакллантириш, фойдани тақсимлаш ҳисоби ҳамда назоратини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган тақлиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш долзарб масала ҳисобланади.

Шундай қилиб, аграр соҳада интеграциялашув ва кооперациялашув жараёнлари мамлакатимизда қарор топган бозор макони, меъёрий-ҳуқуқий база, фундаментал назария, унинг илғор услублари ва халқаро тажрибадан фойдаланган ҳолда трансферт баҳоларни ва молиявий натижаларни шакллантириш ҳамда фойдани тақсимлаш ҳисоби ва назоратини такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Ушбу масалалар илмий нуқтаи назардан ҳамда амалий жиҳатдан етарлича тадқиқ қилинмаганлиги эса илмий ишнинг йўналишини белгилади.

Ушбу масалалар илмий ва амалий жиҳатдан етарлича тадқиқ қилинмаган, бу эса магистрлик диссертациясининг мавзуси долзарблигини белгилайди.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони “Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2012 йил 22 октябрь. Халқ сўзи газетаси. 2012 йил 23 октябрь №208 (5628). бет

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кооперация тизими иштирокчилари фаолияти молиявий натижаларини шакллантиришнинг назарий ва илмий асосларининг айрим масалалари К.И.Вахитов, Ю.Ильин, Л.Силаева, М.Салова, Р.Шохсаидов, М.Ф.Шкляр2 каби хорижий иқтисодчи олимлар томонидан ўрганилган. Мазкур масаланинг айрим жиҳатлари республикаимизда Ф.Қодиров, Р.Раджапов, Р.Д.Дусмуратов, У.Нигмаджанов, З.Сабурова, Т.Р.Файзуллаева3 ва бошқа иқтисодчилар томонидан тадқиқ қилинган. Лекин кооперация тизими иштирокчилари фаолияти молиявий натижаларини шакллантиришнинг ташкилий-услубий ва ҳисоб-таҳлил таъминоти масалалари етарли даражада тадқиқ қилинмаган.

Тадқиқот мақсади кооперация тизими иштирокчилари фаолияти молиявий натижаларини шакллантиришнинг ташкилий-услубий ва ахборот-таҳлил таъминотини ривожлантириш бўйича хулосалар шакллантиришдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

- интеграция ва кооперациянинг моҳиятини очиб бериш ҳамда меъёрий-ҳуқуқий базани шакллантириш зарурлигини асослаш;
- интеграциялашув ва кооперациялашув жараёнларида молиявий натижаларни шакллантиришнинг назарий-услубий асосларини тадқиқ қилиш натижасида хулосалар шакллантириш;
- сут чорвачилиги кооперация тизими ахборот-таҳлил таъминоти, даромад ҳамда харажатларни бюджетлаштириш ва йиғма балансини тузиш масалаларини ўрганиш асосида таклифлар тайёрлаш;
- кооперация иштирокчиларининг даромадларини шакллантириш ва фойдани тақсимлаш механизмини такомиллаштириш бўйича хулосалар шакллантириш ва тавсиялар тайёрлаш.

Тадқиқот объекти. Тадқиқот объекти сифатида кооперация тизимига кирган фермер хўжаликлари, масъулияти чекланган жамиятлар ва бошқа хўжалик субъектлари олинди.

Тадқиқот предмети. Кооперация тизими иштирокчилари фаолияти молиявий натижаларини шакллантиришнинг ташкилий-услубий ва ахборот-таҳлил таъминоти услубларини ўрганиш тадқиқотнинг предметини ташкил этади.

Тадқиқот методлари: тадқиқот жараёнида ўрганиладиган объектларга тизимли ёндашув қўлланилади, шунингдек, монографик, абстракт-мантиқий, таққослаш, иқтисодий-статистик ва бошқа иқтисодий тадқиқот усулларида фойдаланилди.

Илмий янгилиги:

- интеграция ва кооперациянинг моҳияти очиб берилди ҳамда меъёрий-ҳуқуқий базани шакллантириш зарурлиги асосланди;
- интеграциялашув ва кооперациялашув жараёнларида молиявий натижаларни шакллантиришнинг назарий-услубий асосларини тадқиқ қилиш натижасида хулосалар шакллантирилди;
- сут чорвачилиги кооперация тизими ахборот-таҳлил таъминоти, даромад ҳамда харажатларни бюджетлаштириш ва йиғма балансини тузиш масалаларини ўрганиш асосида таклифлар тайёрланди;
- кооперация иштирокчиларининг даромадларини шакллантириш ва фойдани тақсимлаш механизмини такомиллаштириш бўйича хулосалар шакллантирилди ва тавсиялар тайёрланди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, ишлаб чиқилган илмий таклифлар кооперация тизими иштирокчилари фаолияти молиявий натижаларини шакллантиришнинг ташкилий-услубий ва ахборот-таҳлил таъминотини ривожлантиришга хизмат қилади.

Тадқиқот ишининг амалий аҳамияти шундаки, ишлаб чиқилган амалий тавсиялар кооперация иштирокчиларининг даромадларини шакллантириш ва фойдани тақсимлаш механизмини такомиллаштиришда фойдаланилади. Шунингдек, “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” ва “Қишлоқ хўжалигида бухгалтерия ҳисоби ва статистика асослари” фанларининг тегишли мавзуларини ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Ишнинг синовдан ўтиши. Амалга оширилган тадқиқотнинг асосий илмий ғоялари Тошкент давлат аграр университетидан 2013 йилда бўлиб ўтган “Ўзбекистон Республикаси агросаноат мажмуаси тармоқларида инновацион бошқарув фаолиятини модернизациялаш ва ривожлантириш муаммолари” илмий-амалий конференцияда “Сут чорвачилигига ихтисослашган фермер хўжаликларида кооперацияни ташкил этишнинг зарурлиги” номли маърузалар тезиси, Тошкент давлат аграр университетидан 2014 йилда бўлиб ўтган “Аграр соҳада инновацион иқтисодий шакллантириш шароитида бошқарув тизимининг ахборот таъминоти, аудит, таҳлил ва молия-кредит механизмини такомиллаштириш” мавзусидаги илмий-амалий конференцияда “Аграр соҳада кооперацияни ривожлантиришнинг аҳамияти” номли маърузалар тезиси билан қатнашилган, маъруза қилинган ва маъруза ижобий баҳоланган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Магистрлик диссертациясининг асосий ғоя ва натижалари юзасидан 2 та маърузалар тезиси нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Магистрлик диссертацияси таркибий жиҳатдан кириш, мазмунан ўзаро боғланган учта бобдан иборат асосий қисм, хулоса, адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертацияда 2 та расм, 7 жадвал мавжуд бўлиб, унинг матни 78 бетни ташкил этади.

2 Вахитов К.И. Кооперация: теория, практика. Москва-2006. 556 стр.; Ильин Ю. Развития аграрного сектора экономики: зарубежный опыт. // Международный сельскохозяйственный журнал. 2008, №2, С.14-16; Силаева Л., Шохсаидов Р. Развитие сельскохозяйственной кооперации в Российской Федерации и зарубежом. // Международный сельскохозяйственный журнал. 2008, №1, С.30-32; Салова М. Крестьянские (фермерские) хозяйства-основа для развития сельскохозяйственных потребительских кооперативов. // Международный сельскохозяйственный журнал. 2012, №2, С.11-15. ; Шкляр М.Ф. Кредитная кооперация. Учебное пособие, Издательско-торговая корпорация «Дашков и Ко». Москва-2006, 333 стр.

3 Дўсмуратов Р.Д., Мамадияров Д.Ў. Қишлоқ хўжалигида бошқарув ҳисоби: услубиёт ва амалиёт. -Т.: «Молия» нашриёти, 2009. -148 б; Нигмаджанов У., Тиллаев А. Условия и причина необходимости возрождения сельскохозяйственных потребительских и других кооперативов в сельском хозяйстве. // Аграр тармоқ иқтисодиётини инновацион ривожлантириш ва агротехнологиялар самарадорлигини ошириш йўллари. -Т.: ЎзБИИТИ, 2014. -180-184 б.; Файзуллаева Т.Р., Сабурова З. Қишлоқ хўжалигининг инновацион ривожланишини таъминлашда кооперациянинг роли. // Аграр тармоқ иқтисодиётини инновацион ривожлантириш ва агротехнологиялар самарадорлигини ошириш йўллари. -Т.: ЎзБИИТИ, 2014. -180-184 б.

I боб. Аграр тармоқда кооперация муносабатларини шакллантиришнинг назарий-услубий асослари

1.1. Кооперация муносабатларини шакллантиришнинг назарий услубий асослари

Иқтисодий эркинлаштириш шароитида кооперация самарали тадбиркорлик фаолияти йўли билан ўз аъзолари ва аҳолининг маҳсулот, ишлар ва хизматларга бўлган ижтимоий эҳтиёжларини қондириш учун ихтиёрий равишда бирлашган жисмоний ёки юридик шахсларнинг мулкига асосланган ижтимоий хўжалик юретиш шаклини ўзида намоён этади.

Кооперация тизими – фермер хўжаликларининг ихтиёрий равишда маҳсулотларни тайёрлаш, қайта ишлаш, сотиш ва шунингдек хизмат кўрсатиш (техник, технологик ва бошқалар) кооперативларига бирлашишини ўзида акс эттиради. Кооперация тизими унинг аъзолари бўлган фермер хўжаликлари манфаатини ҳисобга олган ҳолда фаолият юритади ва уни ҳимоя қилади. Кооперация мулки улуш асосида шаклланади. Уни асраш, самарали фойдаланиш ва қўпайтириш кооперация тизимининг бош мақсади яшаш қобилиятини сақлаб қолишнинг таянч мезони ҳисобланади.

Ўзбекистонда босқичма-босқич амалга оширилган аграр соҳадаги бозор ислохотларининг самарадорлиги хусусий мулкчиликка асосланган турли хўжалик юретиш шакллари ривожлантиришга имкон берувчи кўп укладли иқтисодий шаклланиши билан белгилаб берилади. Шу муносабат билан иқтисодий таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашнинг муҳим омили сифатида минтақаларнинг табиий-иқлим ва ижтимоий-иқтисодий шароитларидан келиб чиқиб турли хўжалик юретиш шакллари билан самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Республикамиз қишлоқ хўжалигида хусусий мулкчилик ва тадбиркорлик эркинлигига асосланган фермер хўжаликлари шаклланимоқда, уларнинг қишлоқ хўжалигида тутган ўрни тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Мамлакатимиз аҳолиси ҳаётининг фаровонлиги, қишлоқ хўжалигининг истиқболдаги тараққиёти фермер хўжаликларининг ҳар томонлама ривожланиши билан боғлиқ. Зеро, Президентимиз И.А.Каримов⁴ ҳам хўжалик юретишнинг бу шакли ривожланган мамлакатларнинг узоқ даврли тажрибасида ўзининг самарадорлиги, рақобатбардошлиги, бозор конъюнктурасига тез мослаша олиши каби хусусиятларини намоён эта олишини таъкидлаган эди.

Президентимиз “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” асарида мамлакатимизда фермер хўжаликлари моддий-техник таъминлаш ва молиялаш бўйича бозор иқтисодиёти тамойилларига тўла жавоб берадиган ишончли тизим ва механизмлар шакллантирилганлиги ва муваффақиятли фаолият кўрсатаётганлигига алоҳида эътибор қаратдилар.

Ҳар йили фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш учун катта миқдорда моддий ресурс ва маблағлар ажратилмоқда. Қишлоқ хўжалик техникасини лизинг асосида сотиб олиш бўйича махсус ташкил этилган Фонд мавжуд бўлиб бу фондлар орқали техникаларни лизинг асосида олиш учун маблағлар йўналтириши режалаштирилмоқда.

Давлатимиз томонидан кўрсатилаётган ана шундай эътибор ва амалий ёрдам туфайли 2013 йилда фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари асосий турларини ишлаб чиқаришдаги улуши сезиларли даражада ошди. Жадваллар маълумотларига кўра Ўзбекистон Республикасида 2003-2013-йилларда мева сабзавот, картошка, полиз ва узум маҳсулотларини ишлаб чиқариш даражаси, аҳоли жон бошига тўғри келиши бир мунча юқори эканлиги билан қувонарлидир (1.1, 1.2-жадвал).

⁴ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Т.: «Ўзбекистон»-2009. 22- бет

1.1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида 2003-2013-йилларда мева-сабзавот, картошка, полиз ва узум
маҳсулотларини ишлаб чиқариш⁵

⁵ Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида магистрант томонидан тузилган

Маҳсулот турлари	Йиллар						Фарқи		
	2003 йил			2013 йил			Фоииз (%)		
	Экин майдони, минг га	Хосилдо р-лик, ц/ га	Ялпи ҳосил минг т	Экин майдони, минг га	Хосилд ор-лик, ц/га	Ялпи ҳосил минг т	Экин майдони, минг га	Хосилдо р-лик, ц/ га	Ялпи ҳосил минг тонна
Сабзавот	145,3	202,1	3299,2	189,4	270,9	8518,4	130,4	134,0	258,2
Полиз	41,1	142,0	583,3	50,6	200,0	1558,3	123,1	140,8	267,2
Картошка	49,1	169,6	834,5	78,3	210,	2250,4	159,5	124,2	269,7
Мева	197,2	53,3	758,7	254,6	112,3	226,1	129,1	210,7	298,0
Узум	118,4	40,8	401,4	127,8	116,1	1322,	107,9	284,6	329,4

1.1-жадвал маълумотларидан кўринадики, республикада 2013 йилда 2003 йилга нисбатан

1.2-жадвал

**Ўзбекистон Республикасида 2003-2013 йилларда аҳоли жон бошига тўғри келадиган қишлоқ
хўжалиги маҳсулотлари⁶**

Маҳсулот турлари	Йиллар									2013 йил 2003 йилга нисбатан
	2003 йил	2004 йил	2005 йил	2006 йил	2007 йил	2008 йил	2011 йил	2012 йил	2013 йил	
Сабзавот	127,9	2,2	131,2	162,1	174,6	191,2	238,4	262,8	283,9	2,2
Полиз	22,6	2,3	23,	28,1	31,3	35,9	44,1	8,0	51,9	2,3
Картошка	32,3	2,3	35,0	38,5	44,3	51,2	63,5	69,6	75,0	2,3
Мева	29,4	2,6	35,9	44,6	47,3	51,4	64,0	69,4	75,	2,6
Узум	15,6	2,8	24,3	30,3	32,7	29,0	372	40,8	44,1	2,8

Юқорида келтирилган жадваллар маълумотларидан кўриниб турибдики 2003-2013 йиллар ичида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли даражада ўзгарди. Масалан сабзавот 2,2; полиз ва картошка 2,3; мева 2,6; узум 2,8 мартага ошди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини аҳоли жон боши ҳисобига етиштириш ҳам мос даражада ошди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини бундай даражада ошишига давлатимиз томонидан олиб борилаётган иқтисодий ислохотларни тўғри йўналтирилганлиги натижаси ҳисобланади.

Республика Президенти И.А.Каримов инқироз оқибатларини бартараф этиш масаласига тўхталиб, “Шу билан бирга, ўтган давр мобайнида ортирган тажрибамиз фермерликни янада ривожлантириш учун бир қатор жуда муҳим муаммоларни, хусусан, фермер хўжаликларининг барқарорлиги, уларнинг самарадорлигини ошириш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишни қатъий талаб этмоқда” деб таъкидлаб ўтган эдилар.

Ҳозирда аграр тармоқни ривожлантириш билан боғлиқ бўлган муаммолар мавжуд бўлиб, уларни икки гуруҳга бўлиш мумкин:

- қишлоқ хўжалиги корхоналари (тадбиркорлар) томонидан ҳал этиладиган муаммолар;
- давлат томонидан ҳал этиладиган муаммолар, уларга қуйидагилар киради:
- умумий аграр сиёсат йўналишларини белгилаш, аграр ислохотларни амалга оширишнинг фермер ва деҳқон хўжаликлари фаолиятига мос келувчи шароит яратиш берувчи меъёрий-ҳуқуқий база яратиш;
- моддий-техник таъминот ва сервис хизматлари кўрсатиш соҳаларида монопол вазият шаклланиши олдини олиш тадбирларини жорий этиш;
- сув хўжалиги тизими иншоотларидан фойдаланишга ва ер ресурслари мелиоратив ҳолатини яхшилашга инвестициялар жалб этиш;
- чорва моллари ветеринария ҳолатини назорат қилиш ва ўсимликларни ҳимоя қилишнинг самарали тизимини яратиш;
- аграр тармоқни ривожлантиришга бевосита хорижий техникалар, технологиялар ва бошқа инвестициялар жалб этиш тадбирларини ташкил этиш;
- тармоқни аграр илм-фани ютуқлари билан таъмин этиш ва соҳанинг илмий таъминотини ташкил этишни бошқариш ва молиялаштириш механизмларини жорий этиши талаб этилади;
- фермер ва деҳқон хўжаликлари томонидан етиштирилаётган маҳсулотларни экспорт қилиш учун қулай ҳуқуқий ва ташкилий-иқтисодий муҳит яратиш;
- қишлоқ хўжалиги учун кадрлаш тайёрлаш, малакасини ошириш, қайта тайёрлаш тизимини шакллантириш;
- назорат қилувчи ва маъмурий бошқарувчи идораларнинг бевосита хўжаликлар фаолиятига аралашувини чеклаш тадбирларини ишлаб чиқиш ва бошқалар.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан ҳал этиладиган муаммоларга асосан ишлаб чиқаришни ташкил этиш, яъни ер ва сувдан, моддий-техник, молиявий ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш; маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишни самарали режалаштириш; сарф харажатларни камайтириш ва маҳсулот сифатини ошириш ҳисобига ишлаб чиқаришнинг рақобатбардошлигини ошириш; ҳосилдор ва бозор талабига мос маҳсулот етиштириш имконини берувчи экинлар навлари, чорва моллари зотларини танлаш; маҳсулотларни қайта ишлашни ташкил этиш; илм-фан ютуқларидан фойдаланган ҳолда ресурс тежовчи технологияларни жорий этиш ва бошқалар.

Аммо ушбу масалаларни ҳал этиш фермер ва деҳқон хўжаликлари учун қийин кечмоқда. Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалигида кооперация муносабатларини ривожлантиришга тўртки берувчи ва зарурат туғдирувчи асосий муаммолар қуйидагилардан иборат:

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда хавф-хатарнинг юқорилиги ва буларни фермер якка ўзи енга олмаслиги;

маҳсулот етиштирувчилар якуний даромаддан фойдалана олмайётганлиги;

маҳсулот таннархининг ошиб бораётганлиги ва рақобатбардошлиги пастлиги;

қишлоқ хўжалигининг молиявий ҳолати ва моддий-техника базасини ёмонлиги;

маҳсулот сотишда монополия ҳолати;

кичик ҳажмдаги ва кўп сонли фермер ва деҳқон хўжаликлари бир вақтнинг ўзида маҳсулот етиштириш,

моддий-техник ресурслар сотиб олиш, маҳсулот сотиш бозорларини ўрганиш, харидор қидириш ва

махсулотнинг истеъмолчига етиб бориши билан боғлиқ ҳаракатини самарали таъмин этиш имкониятига эга эмас;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар сони кўплиги ва маҳсулот ҳажми кичиклиги, узоқ бозорларга кичик ҳажмли маҳсулот олиб боришни ёки бозорлардан кичик ҳажмдаги моддий-техник ресурслар сотиб олишни иқтисодий жиҳатдан инкор этади ва транспорт харажатлари маҳсулотнинг рақобатбардошлигини кескин пасайтириб, деҳқон оладиган даромадининг бир қисмини йўқотади, аксарият ҳолларда зарарига ҳам маҳсулот сотишига мажбур бўлади;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш учун омборхоналар, совутиш тизимига эга бўлган ва маҳсулотларни саралаш имконини берувчи объектларни куриш ва улардан фойдаланиш харажатлари юқорилиги сабабли кичик ҳажмли қишлоқ хўжалиги корхоналари учун бундай объектларга эга булиш имкони мавжуд эмас;

тез бузилувчи маҳсулотларни бозорга чиқариш ва сотишда уларни саралаш, қадоқлаш, сақлаш ва ташиш учун махсус жиҳозланган транспорт воситалари, совутиш тизимига эга омборхоналар бўлишини талаб этади. Ушбу масалаларни қишлоқ хўжалиги корхоналари доирасида ҳал этишнинг имконияти деярли чекланган;

Аграр сектор ва унга хизмат кўрсатувчи саноат маҳсулотлари нархлари ўртасида кучли номутаносибликнинг келиб чиқишини қуйидаги омиллар билан изоҳлаш мумкин:

моддий-техника ресурслари ва хизматларга бўлган нархларнинг эркинлаштирилиши, уларнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари нархлари ўсиш динамикаси билан боғланмаганлиги;

қайта ишлаб чиқариш, тайёрлаш ва савдо корхоналарининг монопол ҳолати туфайли қишлоқ хўжалик маҳсулотларига белгиланадиган нархларнинг чекланганлиги;

қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, аграр соҳа маҳсулотларига бўлган талаб эластиклигининг пастлиги туфайли турли тармоқлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар нархлари ўзгариш суръатларининг турли хиллиги.

Давлат мустақил ва буюк бўлиши учун ўз-ўзини таъминлайдиган даражада бўлиши керак, агар мамлакат ўз-ўзини таъминлайдиган даражада бўлмас экан у ривожланган мамлакат учун хомашё базасига айланиб қолади.

Носоғлом рақобат ва монополистик вазиятларнинг мавжудлигидан энг кўп зарар кўрувчи тармоқ ҳам бу қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар бўлди. Ҳозирги пайтда республикада қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчи субъекти бўлиб фермер хўжаликлари ҳисобланади. Юзага келган ушбу муаммоларни фермер хўжаликлари яқка ўзи бартараф этишга ожизлик қилади. Шунинг учун фермер хўжаликларини кооперацияларга бирлаштирган ҳолда катта-катта муаммоларни ҳал этиш имкониятлари юзага келади. Ҳозирги кунда хорижда муваффақиятли фаолият юритаётган кооперациялар аграр соҳага тегишли бўлган юқорида таъкидлаб ўтилган муаммоларни ечиш усулларида биридир.

Кооперация, тарихан юзага келган ва доимий равишда такомиллашиб боровчи ижтимоий-хўжалик фаолият шакли сифатида, жамият ривожланишининг турли босқичларида ушбу жамиятнинг маълум қатламлари ёки гуруҳларининг эҳтиёжларини қондириш усули бўлиб иштирок этади.

Кооператив тамойилларини жорий этиш колхозлаштириш жараёни билан битта тоифадаги масала сифатида қаралиб кооперация принциплари ўзининг аҳамиятини йўқотиб борди ва кейинчалик совхозлар мулки ва колхоз мулки амалда давлат мулкига айланди. Бозор шароитида кооперация жисмоний ва юридик шахсларнинг устувор равишда иқтисодий манфаатларини кўзлаб ташкил этадиган тузилмаси бўлиб, бу иштирокчилар томонидан ихтиёрийлик асосида амалга оширилади.

Италян кооператор ва молия министри Л.Луццати⁸ эса кооперацияни - майда умумий жамғармалар ва капиталларни жалб этиш орқали катта натижаларга эриша оладиган иқтисодий методдир деб атайди. Бундан ташқари кооперация ва кооператив уюшмаларнинг келиб чиқиши, умумий тушунчалари, амалиёти, назарияси ва концептуал асослари тўғрисида россиялик олим К.И.Вахитовнинг ишлари диққатга сазовордир. Унинг «Кооперация: теория, практика» китобида⁹ олимлар асарларига кенг шарҳ берилган. Унинг айримларини келтириш мақсадга мувофиқдир. М.Н.Соболев кооперациянинг энг муҳим аҳамиятини¹⁰ у томонидан янги иқтисодий кучлар ва фаолият кўрсатувчиларни ишлаб чиқаришда кўриш мумкинлигини айтади. Кооператив муассасалар шахсий хўжалик манфаати таъсири остида эмас, жамоа фаравонлиги мақсадларида иш юритувчи фаолият юритувчиларнинг янги турини яратади. Кооперация йўли билан иқтисодий мотивация қайта тузилади ва жамоатчилик асосида такомилроқ иқтисодий тузум элементлари тайёрланади. Албатта, кооперация ҳар қандай касалга даво ёки ҳар қандай фалокатдан қутқарадиган восита эмас: бу инсоният яхши ҳаёт яратиш воситаларидан биридир.

Кооперация¹¹ - нафақат иқтисоднинг бир қисми, - дейди Х.Холлай, -балки ижтимоий ҳаёт соҳаларидан бири ҳамдир. В.П.Дмитренконинг таъкидлашича, кооперация ижтимоий манфаатларни аниқлаган, кўрсатган, ташкил этган, қониқтирган, ҳимоя қилган тақдирдагина самарали бўлади.

Кооперация ривожланишининг тўлқинида биз ўзимизни дарёнинг икки қирғоғи орасида сузаётгандек ҳис этамиз¹²: - дейди Р.Родригеш- бир қирғоқда кооперативларни молиявий нуқтаи назардан муваффақиятли бўлишини талаб қилувчи бозор, бошқа томондан эса одамлар фаравонлиги тўғрисида қайғуришдир. Биз келажакка қараб кооперациянинг икки моҳиятини кўрамиз бу унинг иқтисодий ва ижтимоий моҳиятидир.

8 Луццати Л. Избранные речи по кооперции и экономике.-М., 1915 г. 104-стр.

9 Вахитов К.И . Кооперация: теория, практика. Москва-2006. 556 стр.

10 Вахитов К.И . Кооперация: теория, практика. Москва-2006. 28 стр.

11 Вахитов К.И . Кооперация: теория, практика. Москва-2006. 44 стр.

12 Вахитов К.И . Кооперация: теория, практика. Москва-2006. 45 стр.

Кооперативлар корхоналар ҳам, уй хўжаликлари ҳам фойдаланиши мумкин бўлган ва кўп афзалликларни таъминловчи ҳамда давлат сектори учун ҳам, тижорат фаолиги максимал даромадга қаратилган сектор қисми учун ҳам харажатларнинг анча тежашга ёрдам берувчи ишлаб чиқарувчилар ҳамда истеъмолчилар манфаатларида иқтисодни ташкил этишнинг муқобил шаклидир. Ҳозирги ривожланган мамлакатларда миллий даражада кооперациялашган бирлашмаларнинг роли йилдан йилга ортиб бормоқда. Уларнинг мақсади ўз таркибига кирувчи кооперациялашган хўжаликлар манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат, бу қуйидагилар билан изоҳланади:

бошқа ҳуқуқий шакллардаги корхоналарнинг йирик бирлашмалари томонидан рақобатни ошириш; майда хўжаликлар ва хусусий тадбиркорлар фойдалана олмайдиган замонавий технологияларнинг қимматлашуви;

кооперациялашган хўжаликларни хўжалик фаолиятини мувофиқлаштириш ва режалаштириш, ахборот алмашиш, ишчи кучи малакасининг даражасини оширишга мажбур этувчи хўжалик юритиш шарт-шаротларининг ўзгариши;

Шу билан бирга кооперациялашган хўжаликларнинг ўзлари ўз фаолиятининг ҳуқуқий шаклини оқилоналик мезони бўйича танлайди.

Кооператив амалиёти камчиликлар ва хатоликлардан ҳоли эмас, албатта. Шунга қарамай ер юзидаги кооператорлар ўз ташкилотларини энг яхши иқтисодий тизим деб ҳисоблашади, чунки улар ижтимоий йўналтирилган бўлиб, уларнинг эътибори марказида – ўз аъзолари тўғрисида ғамхўрлик ўрин тутати.

Кооператив ҳаракатнинг кўтарилишида халқаро ташкилотлар ҳам манфаатдор.

Биринчидан, бу нокооператив халқаро ташкилотлар. Уларга Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг ихтисослаштирилган муассасалари: Халқаро меҳнат ташкилоти, Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик ташкилоти ва ҳоказолар.

Иккинчидан, бу кейинги 100 йил ичида пайдо бўлган халқаро кооператив ташкилотлар: Халқаро Кооператив Альянс (ХКА), кооперативларга ёрдам кўрсатишда кўмаклашувчи бирлашган қўмитаси, кредит уюшмалар бутунжаҳон кенгаши ва бошқалар.

ХКА энг универсал, ваколатли ва кўп тажрибага эга ташкилотдир. У кооперациянинг барча турларининг тан олинган маркази бўлиб уларнинг дунё кўламида ривожланишига кўмаклашади. ХКА мақсадларига эришиш учун унинг ихтисослаштирилган ташкилотлари ҳам кўмаклашади. Қишлоқ хўжалик, балиқчилик, банк, уй-жой, суғурта, истеъмол қўмиталари, кооператив савдо халқаро ташкилоти, ишлаб чиқариш ва хунармандчилик қўмиталари ишчилари қўмитаси, кооператив сайёҳчилик халқаро уюшмаси. ХКА тузилмасида соғлиқни сақлаш халқаро кооператив ташкилот, халқаро кооператив энергетик ташкилот, инсониятнинг бўлажак ривожини қўмитаси ва жинслар тенглиги масалалари бўйича қўмиталар ташкил этилган.

Бозорлар глобаллашуви билан юзага келган хўжалик ҳаёт ўзгаришлари кооперацияга турлича таъсир кўрсатади: кооперативлар олдида ўсишнинг янги имкониятларни очади ва айни пайтда кооператив фаолият учун таваккалчилик даражасини оширади. Қийинчиликларни енгиш усулларини ишлаб чиқишда ХКАнинг роли катта. Аграр тармоқда кооперацияларни ривожлантириш Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини истиқболлини белгиловчи омил ҳисобланади. Умуман, биз кооперативлар тўғрисида гапирганда, биринчи навбатда хизмат кўрсатувчи кооперативларни кўзда тутамиз. Улар ўз нуқтаи назарларини зўрлаб ўтказмайдилар ва ишлаб чиқариш масалаларидан устуворлик қилмайдилар. Бутун жаҳон бўйлаб тўпланган тажриба айнан мустақил фермерлар боқувчилар эканлигини яққол кўрсатди. Ва улар дарҳақиқат кўпчиликни боқишга қодир, чунки улар энг аввало кооперативларга бирлашади.

Юқорида таъкидланганлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, кооперация бу - маълум соҳада ўз маблағлари ва ҳаракатларини бирлаштириб кооператив аъзолари йирик хўжалик ташкилотнинг турли афзалликларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлишдир.

Кооператив эса-ихтиёрий ташаббускор ва ўз-ўзини бошқарувчи жамоат ташкилоти бўлиб, ўз олдида аъзоларининг ҳаёт ва меҳнат шароитларини яхшилашга кўмаклашиш мақсадини қўяди ва тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун ҳиссадорлик асосида шахсларнинг ихтиёрий бирлашуви орқали ташкил этилади ва ўз-ўзини молиялаштириш асосида фаолият кўрсатади. Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётни ислоҳ қилиш борасида кенг кўламли дастурнинг амалга оширилиши кооперациянинг замонавий тизимини яратиш, жаҳон амалиётида юқори самарадорликка олиб боровчи кооперациянинг турларини қўллаш заруриятини тақозо қиляпти. Қишлоқ хўжалигидаги кооперация янги деҳқонни тарбиялайди, уни ташаббускорликка ва ўз-ўзига ёрдам беришга ўргатади, унинг ижтимоий ҳисларини ривожлантиради ва уни ақлий маданиятга жалб этади.

1.2. Агросаноат мажмуида кооперация муносабатларини амалга ошириш тамойиллари

Мамлакатимизда жаҳон иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича 2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастури Ўзбекистонни 2009 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналиши бўлиб қолди.

Инқирозга қарши чоралар дастурида қуйидаги асосий вазифалар белгилаб олинди:

Биринчидан – корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, замонавий, мослашувчан технологияларни кенг жорий этиш. Бу вазифа авваламбор иқтисодиётнинг асосий тармоқлари, экспортга йўналтирилган ва маҳаллийлаштириладиган ишлаб чиқариш қувватларига тегишлидир. Шунга қўра, ушбу тармоқлардаги корхоналарни бир қатор асосий йўналишлар бўйича қўллаб-қувватлашни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир (1.1-расм).

1.1-расм. Иқтисодиёт реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлашнинг асосий йўналишлари

Иккинчидан – жорий конъюнктура кескин ёмонлашиб бораётган ҳозирги шароитда экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарнинг ташқи бозорларда рақобатдош бўлишини қўллаб-қувватлаш бўйича конкрет чора-тадбирларни амалга ошириш ва экспортни рағбатлантириш учун қўшимча омиллар яратиш.

Учинчидан – қатъий тежамкорлик тизимини жорий этиш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннарини камайтиришни рағбатлантириш ҳисобидан корхоналарнинг рақобатдошлигини ошириш.

Тўртинчидан – электроэнергетика тизимини модернизация қилиш, энергия истеъмолини камайтириш ва энергия тежашнинг самарали тизимини жорий этиш чораларини амалга ошириш.

Бешинчидан-жаҳон бозорида талаб пасайиб бораётган бир шароитда, ички бозорда талабни рағбатлантириш орқали маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини сақлаб қолишда ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг муҳим йўналишларидан бири бу «қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш»-«тайёрлаш ва ташиш»-«қайта ишлаш»-«сотиш» бўғинлари доирасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сифати бузилиши ва нобудгарчилиги олдини олиш йўллари кидириб топиш орқали қўшилган қиймат яратиш имкониятларини кенгайтиришдир. Бу агросаноат мажмуаси иштирокчилари ўртасидаги ўзаро вертикал кооперациянинг самарали ташкил этилишига боғлиқдир.

Бу ҳақда президентимиз И.Каримов: «Ҳозирги босқичда фермерлар томонидан ўзи ишлаб чиқарадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотини, аввало, чорвачилик ва мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича ихтиёрийлик асосида кооперациянинг турли шакллари яратишга қаратилган таъсирчан механизм ишлаб чиқиши муҳим аҳамиятга эга¹³» - деб таъкидлаб ўтганлар.

Кооперацияга бирлашиш орқали АСМда замонавий техника ва тежамкор технологиялар билан таъминлашни жадаллаштириш, ишлаб чиқариш харажатларини тежаш ва тежамкор инновацион технологияларни қўллаш имконияти, маҳаллий озиқ-овқат ва бошқа истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш қўллаш имконияти туғилади

Бозор иқтисодиёти шароитларида фермерлик кооперацияси давлат сиёсати доирасида ривожланади.

Қишлоқ хўжалик кооперациясини ривожлантиришнинг мустаҳкам қонунчилик негизини яратиш билан бир қаторда бундай сиёсатни соҳадаги жаҳон тажрибасини қўллаб, ҳозирги Ўзбекистон ҳаётида қўллаб бўладиган тарзда изчил шакллантириш керак.

Ҳозирда мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи, уларни қайта ишловчи ва хизмат кўрсатувчи тузилмалар ўртасида мамлакат (миллий) ва минтақа миқёсидаги кооперациялар фаолият олиб борапти. Кооперациянинг бу шакли асосан пахта ва ғалла етиштирувчилар ўртасида ташкил қилинган аҳамиятлидир. Кооперациянинг бу шакли фақат пахта ва ғалла етиштирувчи фермер хўжаликларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг бир кўриниши сифатида намоён бўлаяпти холос.

Бу тизимга қуйидаги объектлар киритилган:

Қишлоқ хўжалигида техникавий сервис хизмати қуйидаги корхоналар ёрдамида амалга оширилади:

«Машина-трактор парклари» бирлашмаси очиқ ҳиссадорлик жамияти таркибидаги машина-трактор парклари (МТП);

Техник сервис марказлари ва таъмирлаш устхоналари;

Муқобил МТПлар;

Хусусий мулк шаклидаги сервис хизмати кўрсатиш корхоналари.

Қишлоқ хўжалик корхоналарини техника воситалари, эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш хизматларини қуйидаги корхона ва ташкилотлар амалга оширади:

«Ўзағромашсервис» уюшмаси тизимидаги вилоят таъминот базалари;

«Ўзқишлоқхўжаликмаш» холдинг компанияси;

«Ўзқишлоқмашлизинг» лизинг компанияси;

«Ўзкейсагролизинг» компанияси»

Лизинг операцияларини бажарувчи банклар ва бошқалар.

Мамлакатимизда мелиорация ва оқар сув билан таъминлаш хизматини қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси тизимидаги ва бошқа ихтисослашган ташкилотлар амалга оширади. Буларга қуйидагилар киради:

Гидрология мелиоратив экспедицияси;

Сувдан оқилана фойдаланиш ва суғоришнинг илғор технологияларини қўллаш хизмати;

Мелиорация сув қурилиш трестлари, уларнинг таркибидаги махсус механизациялашган кўчма колонналар; Сувдан фойдаланувчилар уюшмалари ва бошқалар.

Агрохимё хизматини «Ўзқишлоқхўжаликкимё» брлашмаси

тизимидаги корхоналар амалга оширади. Буларга қуйидагилар киради:

«Ўзқишлоқхўжаликкимё» базалари;

Туман ва туманлараро «Ўзқишлоқхўжаликкимё» бирлашмалари;

Минерал ўғитлар ва кимёвий препаратлар сотиш дўконлари.

Етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини аҳолига сифатли, табиий ҳолатини сақлаган ҳолда етказиб беришда маҳсулотларни саралаш, сақлаш ва қайта ишлаш хизматининг ўрни ката аҳамият касб этади.

Қишлоқ хўжалигидда Ушбу хизматларни қуйидаги корхоналар амалга оширади:

«Ўзпахтасаноатсотиш» ассоциацияси тизимидаги пахта қабул қилиш ва қайта ишлаш корхоналари;

«Ўздонмаҳсулот» Давлат ҳиссасдорлик корпорацияси тизимидаги донни қабул қилиш ва қайта ишлаш корхоналари;

«Ўзмевасабзавотузумсаноат» холдинг компанияси тизимидаги қайта ишловчи корхоналар.

Юқорида таъкидланган корхоналарни қисқача расмда кўриш мумкин. Тошкент вилоятида минтақа миқёсидаги кооперативлар фаолияти иш олиб бораёпти. Бу тизимдаги корхоналар вилоят фермер хўжаликларига турли хизматларни кўрсатишаяпти, аммо биз юқорида таъкидлаб ўтган муаммоларни ҳал этишда муҳим ўрин тут олмайди.

Чунки, бу тизимдаги корхоналарнинг ўзининг молиявий ҳолати ёмон аҳволдадир. Кооперация муносабатлари соҳасидаги етакчи мутахассис ва олимларнинг фикрича, кооперация иштирокчилари орасидаги масофа қанчалик узоклашса, яъни радиуси узун бўлса, унинг самарадорлиги шунча пасайиб боради. Шунинг учун кооперациянинг самарадорлигини ошириш мақсадида маҳаллий кооперация турини ташкил этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Ҳар бир минтақада бир нечта маҳаллий кооперацияларни ташкил этиш мумкин. Фаолият турига қараб туманларда шундай кооперацияларни ташкил этиш мумкин. Бу кооперация тури миллий ва минтақавий кооперацияларга нисбатан самарали бўларди.

1.2-расм. Кооперациянинг фаолият кўламига қараб гуруҳланиши

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида мамлакатимиз агросаноат секторида кооператив тизимнинг шаклланишида мақсадга қаратилган давлат фаолияти алоҳида роль ўйнайди. Бу ҳукумат аграр сиёсати қисми сифатида қишлоқ хўжалик кооперациясини ривожлантиришнинг давлат дастурини қонунчилик негизи фаолиятининг кооператив шакллари; кооператив тузилмаларни молиявий қўлланилиши ва рағбатлантириш чоралари, кооператив таълим ва тарғибот, институтционал характердаги тадбирлар ривожланиши эҳтиёжларига адекват ташкил этилишини кузда тутган ҳолда ишлаб чиқилиши заруратини келтириб чиқаради.

Ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалик кооперацияси ҳуқуқий асослари соҳасидаги аҳвол аниқ давлат сиёсатининг йўқлигида кооператив секторнинг қурилишини қийинлаштиради.

Кооперациянинг аҳамияти кооператорлар ҳаётининг мазмуни бўлган кооперативнинг функционал асосидан ташкил топади. Қайсиқим, бу қадрият умумхўжалик фаолияти, бошлиқлар ва аъзоларининг ахлоқи бўлиб, улар жамиятда машҳур бўлишини ва кооператив ташкилотлар, корхоналарнинг мустаҳкам ўсишини таъминлайди. Кооперативнинг қадри-бу қадрият на иқтисодий, на моддий соҳалардаги, балки маънавий,

ахлокий ўзак бўлиб, улар кооперативлар учун ташкил қилувчи ва жонлантирувчи роль ўйнайди. Манчестерда бўлиб ўтган Бутунжаҳон кооператив конгрессида жаҳон кооператив жамиятлари қуйидаги кооперациянинг маънавий-ахлокий қийматини тантанали равишда эълон қилишди¹⁴. Булар: ўзаро ёрдам, демократия, тенглик, адолатлилик ва бирдамлик.

Ҳаракат асосчилари анъаналарига кўра кооператив ҳаракати ҳалоллик, очиқлик, ижтимоий масъулият, ўзаро ёрдам, демократия, тенглик, адолатлилик ва бошқалар тўғрисида қайғуриш каби тамойилларига таянади.

Ўзаро ёрдам. Кооператорларнинг фикрича, инсоннинг индивидуал ҳар томонлама ривожланиши фақат бошқа одамлар билан ҳамкорлигида намоён бўлади. Бир-бири билан бирлашиш йўлида ва одамларнинг ўзаро жавобгарлиги орқали ҳам кўп нарсани қўлга киритиш мумкин. Асосан бозор ҳолатига ва ҳукумат сиёсатига ўзини таъсирини ўтказиши мумкин. Кооператив социал институт сифатида таълим олиш, кооператив ҳаракатда қатнашиш маданияти ва таълимни олиш даражасини ўсишига ёрдам беради. Демократия. Аъзоларнинг ўзининг кооперативларида қатнашиши бу демократиянинг дастлабки шартидир. Қатнашиш даражаси эса-демократиянинг кўрсаткичларидан биридир. Иштирок этиш кооператив фаолиятнинг муваффақиятини ҳал қилувчи омил бўлиб хизмат қилади. Демократияни амалга ошириш механизми кооперациянинг ўзининг ичида топилади. Кооперативнинг аъзолари уни ўзини-ўзи бошқариш принципи асосида бошқаради. Кооперативнинг назорати пайчиларнинг алоҳида ҳуқуқи ҳисобланади. Кооперативнинг олий «ҳокимияти» унинг аъзоларидир.

Тенглик. Кооперативнинг аъзолари умумий мажлисида овоз бериш ҳуқуқини, енгиллик ҳуқуқи, имтиёзлар, кооператив жамиятини бошқарувини сайлаш ҳуқуқи ўз ичига олади. Пайчиларнинг ўзларининг уставдаги қонуний ҳуқуқлари ўзаро тенг бўлиши керак. Аъзоларнинг тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш ниҳоятда қийин масаладир, асосан минглаб одамлар аъзо бўлган йирик кооперативларда. Кооператив аъзоларининг кучи уларнинг корхонага яқин жойлашганлиги, ўзлари учун улар хизматидан бошқа ерда жойлашганларга қараганда катта фойда билан фойдаланишлари мумкинлигидадир. Бу ерда пайчиларнинг устави бўйича тенг ҳуқуқлиги имконияти бузилади. Кооперативлар ҳақиқатдан ҳам ўз аъзоларининг тенглигига ҳаракат қилишади. Ваҳоланки, тенгсизлик уларни ажратиб юбориши мумкин, тенглик эса кооператив кучини бирлаштиради, жипслаштиради ва кўпайтиради.

Адолатлилик-қадрият, кооперативларнинг акционер жамиятлари, тижорат банкларидан ажралиб турувчи афзаллиги ўзининг аъзолари, мулкдорлари фаровонлиги учун барча вазифалари, биринчи навбатда унинг мулкдорлари капитали билан қизиқади.

Бирдамлик. Кооператив ҳаракатда иштирокчиларнинг умумий қизиқишлари, ҳамда уларнинг уз кооперативлари ҳолати учун ўзаро жавобгарлик ва биргаликда ҳал этиш, кооперация мақсади йўлида ҳамкорликда ҳаракат қилишга тайёргарлигини билдиради. Кооператорлар ва кооперативлар бир мақсад йўлида тузилади. Албатта, кузатишлар хусусий манфаатлари, кооператорлар худбинлиги чегараланиб бирдамлиги намоён бўлади. Қоидага кўра, улар яқка ҳолда кооператив тамойиллар билан юзага чиқади. Кооперативлар бу қадриятни ҳаётга кооператив тамойиллар ёрдамида жорий қилади.

I боб бўйича хулоса

Кооператив тамойиллар ушбу қадриятларни ҳаётга жорий этишга кўмаклашувчи императивлар ҳисобланади, хусусан:

Ихтиёрий ва очиқ аъзолик. Кооперативлар ихтиёрий ташкилот бўлиб, унинг хизматларидан фойдалана оладиган, аъзолик билан боғлиқ масъулиятга эга бўла оладиган, жинси, ижтимоий, сиёсий ва диний қарашларидан катъий назар барча кишилар учун очиқдир.

Кооператив аъзолари томонидан амалга оширилувчи демократик назорат. Кооперативлар демократик ташкилот бўлиб, сиёсатни ишлаб чиқиш ва қарорлар қабул қилишда фаол иштирок этувчи аъзолари томонидан назорат қилинади. Бошланғич кооперативларда аъзолар тенг овоз ҳуқуқига эга, бошқа даражадаги кооператив бирлашмалар ҳам демократик принципларга асосланади.

Кооператив аъзоларининг иқтисодий иштирок. аъзолари ўз улушлари билан кооперативлар капиталини ҳосил қиладилар Кооператив аъзолари одатда киритилган улуш капиталига чекланган мукофот оладилар, бу аъзолик шартидир. Кооператив аъзолари қолдиқ капитални (ортиб қолганини) қуйидаги мақсадларнинг бирига ёки қуйидаги мақсадларнинг барчасига қаратадилар: ўз кооперативини ривожлантириш; кооператив ишларида қатнашувига қараб кооператив аъзоларини мукофотлаш; аъзолари мақуллаган кооперативнинг бошқа фаолият турларини қувватлаш.

Кооперативлар-автоном ўзаро ёрдам ташкилотлар бўлиб, ўз аъзолари томонидан назорат қилинади. Улар бошқа ташкилотлар, шу жумладан ҳукумат ташкилотлари билан келишув тузишса ёки ўз капиталларини ташқи маблағлардан тўлдирса, улар бу ишни аъзолар демократик назорати ва кооператив автономиясини сақлаб қолинишини таъминловчи шартлардагина амалга оширади.

Кооперативлар ўз аъзоларининг улар ўз кооперативлари ривожига самарали ҳисса қўша олишлари учун таълим олиши ва малака оширишини таъминлайди.

Кооперативлар ўз аъзоларига самаралироқ хизмат кўрсатади ва кооператив ҳаракатини маҳаллий, миллий, ҳудудий ва халқаро даражада ҳамкорликни ривожлантириш орқали мустаҳкамлайди.

Хулоса қилиб айтганда, жаҳонда юз бераётган инқироз оқибатларини бартараф этишда маҳаллий кооперациялар фаолиятини самарали ташкил этиш ва Ўзбекистон шароитида фаолият юритишнинг кооперативларнинг юқоридаги тамойилларга қатъий риоя қилиш мақсадга мувофиқ.

II боб. Интеграциялашув ва кооперациялашув жараёнларида молиявий натижаларни шакллантиришнинг назарий-услубий асослари

2.1. Интеграциялашув ва кооперациялашувнинг моҳияти ва меъёрий-ҳуқуқий базанинг шакллантирилиши

Бугунги кунда ҳукуматимиз томонидан қишлоқ хўжалигини ривожлантириш борасида бир қанча ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Ер майдонларини оптималлаштириш ва етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳажмини ошириш, кўп тармоқли фермер хўжаликлари сонини кўпайтириш ва самарадорлигини ошириш нуқтаи назаридан йирик ихтисослашган чорвачилик хўжаликларини ташкил этиш борасида ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Мамлакатда фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалик маҳсулотларини асосий ишлаб чиқарувчиси ҳамда ишлаб чиқаришларни янада ривожлантириш, шунингдек, аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини ошириш учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган қудратли ижтимоий-сиёсий кучга айланиб бормоқда.

Республика Президенти И.А.Каримов 2014 йил 17 январдаги Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ўзгаришлар ва уни ривожлантириш масалаларига тўхталиб ўтар экан: “Аввало, қуйидаги рақамларга эътиборингизни қаратмоқчиман. 2013 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2000 йилга нисбатан 2,3 баробар кўпайди. Фақат ўтган йилнинг ўзида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш 6,8 фоизга, жумладан, деҳқончилик-6,4 фоизга, чорвачилик-7,4 фоизга ўсди. ... Юртимизда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг келажаги ҳақида гапирганда, ер ва сув ресурслари бўйича имкониятимиз чекланганини ҳисобга олиб, бу борада ягона тўғри йўл – қишлоқ хўжалигини интенсив асосда ривожлантириш, ернинг мелиоратив ҳолатини тубдан яхшилаш, юксак самарали замонавий агротехнологияларни жорий этиш ва сувдан оқилона фойдаланиш, энг муҳими – деҳқон ва фермерларнинг дарди билан яшаш...” деб таъкидлаб ўтдилар. Бундан кўринадики, қишлоқ хўжалигида ислохотларни янада чуқурлаштириш, фермер хўжаликлари фаолиятини ривожлантириш, аграр соҳада интеграция ва кооперацияни йўлга қўйиш асосий вазифалардан ҳисобланади.

Даврий нашрларда, ўқув-илмий адабиётларда ва илмий анжуманларда “интеграция”, “интеграциялашув”, “кооперация”, “кооперациялашув” каби тушунчалар тез-тез қўлланиб келинмоқда. Бу тушунчаларнинг моҳиятини мавжуд манбалардан ўрганганимизда қуйидагича таъриф ва тушунтиришлар берилганлиги маълум бўлди. Дастлаб “интеграция” ва “иқтисодий интеграция” тушунчалари моҳиятига тўхталиб ўтсак (2.1-жадвал).

2.1-жадвал

“Интеграция” ва “Иқтисодий интеграция” тушунчаларига берилган таъриф ва тушунтиришлар

т/р	Берилган таъриф ва тушунтиришлар	Манба ёки муаллиф
1	ИНТЕГРАЦИЯ (лот. integratio – тиклаш, тўлдириш, integer – бутун сўздан) 1) система ёки организмнинг айрим қисмлари ва функцияларининг ўзаро боғлиқлик ҳолатини ҳамда шундай ҳолатга олиб боровчи жараёни ифодалайдиган тушунча; 2) фанларнинг яқинлашиши ва ўзаро алоқа жараёни, дифференциация билан кечади; 3) 2 ва ундан ортиқ давлатларнинг иқтисодиётини ўзаро мувофиқлаштириш ва бирлаштириш (-179 б.)	Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 4-жилд. Зебуннисо-Конигул. Таҳрир ҳайъати: М.Аминов, Т.Даминов, Т.Долимов ва б. Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2002. -704 б.
2	ИҚТИСОДИЙ ИНТЕГРАЦИЯ – турли корхона ва тармоқларнинг, шунингдек мамлакатларнинг ишлаб чиқариш соҳасида бир-бирига яқинлашуви, улар ўртасида узвий иқтисодий алоқалар ўрнатилиши, мамлакатлараро ягона умумий хўжаликнинг шаклланиш жараёни. Иқтисодий интеграция бутун бир мамлакатлар миллий хўжаликлари даражасида, шунингдек корхоналар, фирмалар, компаниялар, корпорациялар даражасида ҳам кузатилади. Иқтисодий интеграция ишлаб чиқариш-технологик алоқаларнинг кенгайиши ва чуқурлашувида, ресурслардан ҳамкорликда фойдаланиш, капиталларни бирлаштиришда ҳамда иқтисодий фаолиятни амалга ошириш жараёнида бир-бирига қулай шароитни яратишда, ўзаро тўсиқларни олиб ташлашда намоён бўлади. Иқтисодий интеграция асосида меҳнат тақсими ётади. (-336 б.)	Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 4-жилд. Зебуннисо-Конигул. Таҳрир ҳайъати: М.Аминов, Т.Даминов, Т.Долимов ва б. Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2002. -704 б.
3	ИНТЕГРАЦИЯ (лот. integratio – тиклаш, қайтадан бошлаш, тўлдириш) 1. Айрим қисмларининг, элементларнинг боғлиқлик ҳолатини, уларни қўшиб бирлаштиришни ифодаловчи тушунча. 2. Фанларнинг яқинлашиши ва ўзаро боғланиш жараёни. 3. Икки ва ундан ортиқ давлатларнинг иқтисодиётини ўзаро мувофиқлаштириш ва бирлаштириш. (-216 б.)	Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж. II. Е-М/ Таҳрир ҳайъати: Т.Мирзаев (раҳбар) ва бошқ.; ЎзР ФА Тил ва адабиёт ин-ти. –Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. -672 б.
4	Турли мамлакатлар миллий иқтисодиётининг ўзаро қўшилиб ягона мамлакатлараро хўжалик тизимини ҳосил этиши иқтисодий интеграция деб юритилади. (-390 б.)	А.Ўлмасов, А.Ваҳобов. “Иқтисодиёт назарияси”. -Т.: “Шарқ” нашриёт матбаа акциядорлик компанияси бош

Ҳозирги вақтда республикаимизнинг аграр секторида турли мулкчилик ва ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги хўжалик юритувчи субъектлар фаолият олиб бормоқдалар. Шулардан фермер хўжаликлари асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари ҳисобланади. Шунингдек, йирик ва ихтисослашган кўп тармоқли фермер хўжаликлари ташкил этилиши ва ривожланиши ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Булар эса аграр соҳада кооперация тизимини шакллантириш ва ривожлантириш заруриятини белгилайди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармонида “...маҳсулот ишлаб чиқариш, харид қилиш, қайта ишлаш ва сотиш бўйича фермер хўжаликлари кооперациясининг турли шакллари ташкил этиш ва кенгайтиришга кўмаклашиш”¹⁵ муҳим вазифалардан бири этиб белгиланган. “Кооперация” ва “Кооперациялашув” тушунчаларининг мазмунига тўхталиб ўтсак (2.2-жадвал).

2.2.жадвал

“Кооперация” тушунчасига берилган таъриф ва тушунчалар

т/р	Берилган таъриф ва тушунтиришлар	Манба ёки муаллиф
1	КООПЕРАЦИЯ (лот. cooperatio – ҳамкорлик, биргаликда ишлаш) – 1) жисмоний шахсларнинг биргаликда тadbиркорлик фаолиятини олиб бориш учун ихтиёрийлик асосида бирлашуви; 2) икки ёки бир неча мамлакатларнинг хорижий шериклар иштирокида қўшма ёки ўзаро мувофиқлаштирилган ишлаб чиқаришни ташкил этишининг универсал шакли. Бундай кооперация маҳсулот ишлаб чиқаришни тақсимлашга, коммерция ҳамкорлиги, хатарларни ўзаро кафолатлаш, инвестицияларни ва саноат сирларини умумий ҳимоя қилишга асосланди. (- 26 б.)	Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 5-жилд. Конимех-Мирзоқуш. Таҳрир ҳайъати: М.Аминов, Т.Даминов, Т.Долимов ва б. Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2003. -704 б.
2	КООПЕРАЦИЯ [лот. cooperatio – шериклик, ҳамкорлик] – 1. Ўзаро боғланган ишлаб чиқариш жараёнида ёки саноат тармоқларида кишиларнинг ёки ташкилотларнинг ҳамкорлик асосида ишлашини ташкил этиш шакли. 2. Пайчилардан тушган маблағ асосида савдо-сотиқ ёки ишлаб чиқариш корхонаси, жамияти. (-406 б.)	Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж. II. Е-М/ Таҳрир ҳайъати: Т.Мирзаев (раҳбар) ва бошқ.; ЎзР ФА Тил ва адабиёт ин-ти. –Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. -672 б.

Фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг муҳим бўғинига, уни ташкил этишнинг асосий шаклига айланди. Навбатдаги вазифалардан бири эса фермер хўжаликларининг турли шаклдаги кооперацияларини тузиш, фермер хўжаликлари билан турли корхона ва тармоқларнинг ишлаб чиқариш соҳасида бир-бирига яқинлашуви, улар ўртасида узвий иқтисодий алоқалар ўрнатилиши, биргаликда ишни ташкил этиш ва ҳамкорликда муаммоларини ҳал этиш ҳисобланади.

Шу боисдан, дастлаб қишлоқ хўжалигида кооперациянинг меъёрий-ҳуқуқий асосини шакллантириш ва такомиллаштириш зарур. Яна шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, жамият ҳаётининг барча соҳаларини демократлаштириш натижасидагина халқаро кооператив альянси принципларига асосланган кооперацияларни ташкил этиш ва ривожлантириш мумкин бўлади.

Кооперативга кириш ва ундан чиқишнинг ихтиёрийлиги, улар фаолиятини бошқаришнинг демократик принциплари, иқтисодий-молиявий мустақиллигига хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий эркинлигини таъминлаш орқали эришиш мумкин.

Кооперация “кооперация мулки” асосида ривожлантирилиши, у бошқа мулк шакллари каби тенг ҳуқуқли ва ҳуқуқий ҳимояга эга бўлиши керак. Шу билан бирга уни шакллантиришнинг ўзига хос жиҳатлари қонунчилик орқали тартибга солиниши, зарурат бўлганда “кооперация мулки” бошқа мулк шаклларига ўзгартирилиши лозим.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида, халқаро кооператив альянси принципларига жавоб берувчи кооперативларни ташкил этиш ва ривожлантириш учун зарур меъёрий-ҳуқуқий базани дарҳол яратишининг имкони йўқ. Бу база, ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш билан узвий боғлиқликда шаклланиб боради.

Республикамизда кўп тармоқли, ўзининг ишлаб чиқариш инфратузилмаларига эга ва маҳсулотларни қайта ишлаш ривожланган фермер хўжаликларида кооперация муносабатларига эҳтиёж кучаймоқда. Бундай фермер хўжаликлари сони ҳозирги кунда 18 мингдан ошиб кетди. Кооперация муносабатларига эҳтиёж хусусан, мева-сабзавотчилик, сут чорвачилиги каби қуйи тармоқларда кучаймоқда.

Кооперациянинг умум қабул қилинган вужудга келиш, шаклланиш ва ривожланиш принциплари негиздаги меъёрий-ҳуқуқий асосини ишлаб чиқиш ва ривожлантириш қуйидаги заруриятдан келиб чиқади:

- кооперация тизимини ташкил этиш муҳитини яратиш, бунинг учун хусусий ва кичик бизнес, деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантириш лозим. Чунки, кооперация муносабатлари зарур ва етарли шарт-шароитлар бўлганда вужудга келади ҳамда ривожланади;

- товар маҳсулоти етиштирувчи кичик қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирувчилари кооператив хўжалик юритиш шакллариининг самарали ва мақсадга мувофиқ эканлигини англашлари керак.

Аграр соҳа иқтисодий маконида вужудга келаётган бундай объектив заруратнинг ҳуқуқий негизини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси “Қишлоқ хўжалигида кооперация тўғрисида” қонунининг лойиҳаси парламентнинг қуйи палатасида муҳокама қилинмоқда. Қонун қабул қилиниб, уни татбиқ этиш бўйича қонуности меъёрий ва ташкилий-услубий ҳужжатлар тизими яратилса ва амалиётга жорий этилса, шубҳасиз, кооперация муносабатларининг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Шундай қилиб, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ҳамда маҳсулотларни қайта ишлаш шаклланиши ва ривожланишининг ўзига хос шароитлари, унинг хусусиятлари, шунингдек қишлоқ хўжалиги кооперациясини ривожлантириш учун ижтимоий-иқтисодий муҳит кооперация турлари ва шакллари, унинг субъектлари, уларнинг давлат билан ўзаро муносабатлари ҳамда бу хўжалик юритиш шакллариини қўллаб-қувватлаш бўйича пухта ишлаб чиқилган ҳуқуқий меъёрларга эга қонунчиликни амалга оширувчи мустақил ҳуқуқий механизм сифатида ишлаб чиқиш заруратини ифодалайди.

2.2. Кооперациялашувнинг мазмуни ва зарурати

Ҳар қандай хўжалик юритувчи субъект фаолияти ташкил этиш ва амалга ошириш унинг шакллариини

такомиллаштиришни назарда тутати. Бошқа ишлаб чиқариш ва тармоқлар билан интеграциялашув қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш такомиллаштириш маҳсулот (иш хизмат)лар таннаркини пасайтириш, рентабеллик ва рақобатбардошликни оширишнинг муҳим йўлларида бири ҳисобланади.

Кооперациялашув аграр соҳадаги турли мулкчилик ва ташкилий – ҳуқуқий шаклдаги хўжалик юритувчи субъектларнинг сарфланаётган капиталдан самарали фойдаланиш мақсадида уни оптималлаштириш шаклларида бири ҳисобланади.

Аграр соҳада интеграциялашув деганда қишлоқ хўжалиги, қайта ишлаш ва бошқа хизмат кўрсатиш тармоқларининг ўзаро алоқадорлиги ва бирлашиш жараёнини кўпайтириш тушунилади.

Интеграциялашувнинг негизини сарфланган капитал самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш, ижтимоий меҳнат тақсимотини чуқурлаштириш, ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва кооперациялаш ташкил этади. Интеграциялашув натижасида қишлоқ хўжалигидан бир қанча функциялар- техник таъминот ва хизмат, агрокимё хизмати, мелиорация ва шу қабилар ажралиб чиқади.

Аграр соҳада интеграциялашув қайси даражада (бутун миллий иқтисодиёт, минтақа, вилоят, туман ва ҳоказолар миқёсида) кўриб чиқиладиганига кўра ҳар хил шаклларда ташкил этилади. Миллий иқтисодиёт миқёсида қишлоқ хўжалигини тармоқлараро алоқаларини ўрнатиш ва минтақавий агросаноат мажмуаларини шакллантириш ҳамда ўзаро муносабатларини уйғунлаштиришда намоён бўлади. Ҳозирги вақтда мамлакат қишлоқ хўжалигини модернизациялаш ва ишлаб чиқаришни диверсификациялаш ҳамда вертикал хўжалик алоқаларини ривожлантиришга эҳтиёж кучаётганлиги муносабати билан бундай мажмуаларни барпо этиш долзарб вазифага айланмоқда.

Тармоқ даражасидаги интеграциялашув агросаноат корхоналарининг ҳар шакллари – агрофирмалар, бирлашмалар, агроконсернлар ва шу қабиларни ташкил этишда намоён бўлади. Бундан ташқари аграр соҳада интеграциялашув жараёни фермер хўжаликларнинг тайёрлов-таъминот, сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш ҳамда бошқа хизмат кўрсатиш корхоналари билан бевосита алоқаларнинг бевосита ривожланишида намоён бўлади.

Бозор муносабатлари шароитида ҳар-хил тармоққа мансуб хўжалик юритувчи субъектлар бирлашиши икки йўналишда вужудга келади:

Горизонтал интеграция ;

Вертикал интеграция ;

Горизонтал интеграциялашув бозор иқтисодига ўтишнинг дастлабки босқичларига хос бўлиб, иқтисодиётни модернизациялаш, ишлаб чиқаришни диверсификациялаш ва бозор муносабатларининг эркинлаштириши вертикал интеграциялашувни устун даражада ривожлантиришни тақозо этмоқда. Лекин, интеграциялашувнинг барча асосий шакллари саноат ва қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларида у ёки бу даражада қўлланилмоқда.

Аграр соҳа тараққий этган дунёдаги кўплаб мамлакатларнинг қишлоқ хўжалигида меҳнат кооперацияси муқим қарор топган ва ривожланмоқда. Бу қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлиги ва маҳсулот ишлаб чиқариш устун даражада табиий-иқлим шароитларига боғлиқлиги билан белгиланади. Мамлакатимизнинг саноат марказларидан узоқда жойлашган ва табиий-иқлим шароитлари мураккаб бўлган, тор ихтисослашган, қишлоқ хўжалик маҳсулотларнинг бир неча турларини ишлаб чиқариш билан чекланадиган ёки чорвачиликнинг алоҳида тармоғига ихтисослашган минтақаларидаги фермер ҳамда деҳқон хўжаликлари кучи билан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ҳамма вақт ҳам қутилган натижани бермайди. Миллий иқтисодиётнинг турли тармоқларига мансуб тадбиркорлик субъектлари фаолиятларини биргаликда амалга ошириш мақсадида бирлашиши тадбиркорлик рискларини пасайтириш ва моддий, меҳнат ҳамда молиявий ресурслардан самарали фойдаланишга имконият беради.

Қишлоқ хўжалик кооперативларини ва уларнинг ассоциацияларини ташкил этиш ҳамда фаолият кўрсатиши билан боғлиқ муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, “Фермер хўжалиги тўғрисидаги” қонуни ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади. Лекин шу билан бирга қонунчиликда қишлоқ хўжалик кооперативларининг хусусиятлари етарли даражада ёритилмаган бўлиб, бу кооперациялашув ҳаракатини ташкил этиш ҳамда ривожлантиришда бир қанча муаммоларни келтириб чиқаради. Шу муносабат билан қишлоқ хўжалигида кооперация муносабатларини ривожлантириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солинадиган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни унификациялаш мақсадида “Қишлоқ хўжалигида кооперациялашув тўғрисида” алоҳида қонун қабул қилиниши мақсадга мувофиқ. Бу борада мазкур қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, муҳокама қилинмоқда.

Бундан ташқари, қишлоқ хўжалик кооперативларининг фаолиятини ташкил этиш ва амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида” қонуни, “... харажатлар таркиби тўғрисида Низом”, Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлардан ҳам фойдаланиш зарур.

Шундай қилиб, қишлоқ хўжалигида кооперация ҳаракатини ривожлантириш учун мустаҳкам меъёрий-ҳуқуқий база яратилиши, ташкилий-иқтисодий, ахборот ва дастурий ҳамда бошқа зарур тадбирлар амалга оширилиши лозим.

2.3. Интеграциялашув ва кооперациялашув жараёнларида молиявий натижаларни шакллантиришнинг назарий-услубий асослари

Хўжалик юритувчи субъектларнинг ривожланишини таъминлаш, фермер хўжаликларини ривожлантириш ва қишлоқ хўжалигида кооперация муносабатларини шакллантириш корхоналарнинг молиявий барқарорлигига узвий боғлиқ. Корхоналарнинг молиявий жиҳатдан барқарор бўлиши уларнинг фаолияти давомидаги харажатлари ва даромадларининг тўғри шакллантирилиши ва ҳисобга олинишига боғлиқ. Чунки, корхоналарда ҳисобот даври давомида шакллантирилган даромад ва харажатлар шу хўжаликда ишловчиларнинг моддий таъминланишининг, корхона ишлаб чиқариш фаолиятининг кенгайтирилиши ҳамда ишлаб чиқаришга янги технологияларни жорий қилиш каби ишларнинг асосий манбаси ҳисобланади.

Молиявий натижалар - бу хўжалик юритувчи субъектнинг маълум ҳисобот даврида тадбиркорлик фаолияти жараёнида ўзига қарашли маблағнинг ошиши ёки камайишидир. Бухгалтерия ҳисобида бундай фаолият натижаси ҳисобот давридаги барча фойдалар ва зарарларни ҳисоблаш йўли билан аниқланади.

Фойда моддий ишлаб чиқариш соҳасида тадбиркорлик фаолияти жараёнида яратилади. Ишлаб чиқариш омиллари (меҳнат, капитал ва табиий ресурслар) ва хўжалик юритувчи субъектларнинг фойдали ишлаб чиқариш фаолияти бирикиши натижасида маҳсулот ишлаб чиқарилади, у истеъмолга сотилганда, товар бўлиб ҳисобланиди.

Товар-пул муносабатлари шароитида корхона даражасида соф даромад фойда шаклини олади. Товарлар бозорида корхоналар нисбатан алоҳида товар ишлаб чиқарувчи бўлиб майдонга чиқади. Бозорда маҳсулотга нарх белгилаб, уни истеъмолчиларга сотади.

Сотиш натижасида улар пул тушумини олади, бу эса даромад олинганлигини англатади.

Молиявий натижани аниқлаш учун тушумни маҳсулот ишлаб чиқаришга кетган харажат билан таққослаш керак.

Агар тушум харажатлардан юқори бўлса, молиявий натижа фойда олинганлигидан далолат беради. Агар тушум харажатларга тенг бўлса, унда фақат маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари қопланган бўлади, холос. Бунда зарар кўрилмайди, лекин ишлаб чиқариш, илмий-техник ва ижтимоий ривожланишнинг манбаи сифатидаги фойда ҳам олинмайди.

Агар корхона харажатлари тушумидан кўп бўлса, у зарар кўради, яъни салбий молиявий натижага эришади. Бу ҳолат уни анча мураккаб молиявий аҳволга солиб қўяди.

Фойда корхона фаолияти натижасида олинган иқтисодий самарани тавсифлайди. Лекин ягона фойда кўрсаткичи ёрдамида корхона фаолиятининг барча томонларини баҳолаб бўлмайди. Бундай универсал кўрсаткичнинг бўлиши ҳам мумкин эмас. Айнан шунинг учун корхонанинг ишлаб чиқариш, хўжалик ва молиявий фаолиятини ташкил қилишда кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади. Фойданинг аҳамияти шундан иборатки, у якуний молиявий натижани акс эттиради. Шу билан бирга унинг миқдори ва ўзгаришига корхонанинг харажатларига боғлиқ бўлган ҳамда боғлиқ бўлмаган омиллар таъсир қилади. Фойда рағбатлантирувчи функциясини бажаради. Бунинг мазмуни шундан иборатки, фойда бир вақтнинг ўзида молиявий натижа ва корхона молиявий ресурсларининг асосий элементи ҳисобланади. Ўз-ўзини молиялаштириш тамойилининг реал таъминланиши олинган фойда билан белгиланади. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлангандан кейин корхона ихтиёрида қоладиган соф фойда корхонанинг ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтиришни, корхонанинг илмий-техник ва ижтимоий ривожланишини, ходимларни моддий рағбатлантиришни молиялаштириш учун етарли бўлиши керак.

Фойда олишга интилиш товар ишлаб чиқарувчиларни истеъмолига керак бўлган маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмларини оширишга, ишлаб чиқаришга кетадиган харажатларни камайитишга ундайди. Эркин рақобат шароитида бу орқали нафақат тадбиркорларнинг мақсадига, балки ижтимоий эҳтиёжлар қондирилишига ҳам эришилади. Зарарларнинг ҳам ўз ўрни бор. Улар маблағларни йўналтиришда, ишлаб чиқаришни ташкил қилишда ва маҳсулотни сотишдаги хатоларни ёритиб беради.

Якуний молиявий натижа сифатида фойда корхонанинг барча хўжалик операцияларнинг бухгалтерия ҳисоби ва баланс моддаларини баҳолаш асосида аниқланади. Фойда атамасининг ишлатилиши шу билан боғлиқки, корхона ишининг якуний молиявий натижаси унинг чорак, йил якуни бўйича тузиладиган балансида акс этади.

Молиявий натижаларни бухгалтерияда ҳисобга олишнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

молиявий натижаларнинг шаклланиши тўғри эканлигини ўрганиш;

олинган фойда миқдорини ўз вақтида ва тўғри ҳисоб-китоб қилиш;

молиявий натижалар билан боғлиқ операцияларни ва уларнинг тақсимланишини бухгалтерия ҳисоби счётларида ва тегишли ҳисоб регистрларда тўғри акс эттириш.

Корхонанинг ишлаб чиқариш, сотиш, таъминот ва молиявий фаолиятини турли хил томонлари, молиявий натижалар кўрсаткичлари мажмуида ўзининг якуний пулдаги ифодасини топади. Корхонанинг молиявий натижаларини баҳолаш, фойда ва рентабеллик каби, якуний молиявий кўрсаткичлар асосида амалга оширилади. Корхоналар молиявий натижаларини ифодаловчи кўрсаткичларини тадқиқ қилишдан мақсад бозор муносабатларига асосланган эркин иқтисодиётга, Ўзбекистоннинг ўзига хос иқтисодий тараққиёт йўлига мос корхоналар молиявий натижаларини таҳлил қилишнинг такомиллашган таркибини, унда қўлланиладиган кўрсаткичлар тизимини, уларни баҳолаш ва таҳлил қилиш йўллариини ишлаб чиқишдан ҳамда уларни назарий ва методологик жиҳатдан асослашдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 22-моддасида маҳсулот (иш, хизмат) ларни реализация қилишдан тушум бу реализация қилинган маҳсулот (иш, хизмат) лар учун олинган (олиниши лозим бўлган) маблағлар суммаси, шу жумладан реализация қилинган маҳсулот (иш, хизмат) лар учун ҳақ тўлаш ёки қарзни узиш ҳисобига тушадиган мол-мулк қиймати сифатида таъриф берилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 5 феврал 1999 йилдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган “Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда

молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида” ги Низомда келтирилган харажатлар таснифи, энг аввало бухгалтерия ҳисобида харажатларни тўғри ва тўлиқ акс эттиришга, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботини тузиш учун унинг фаолияти молиявий натижаларини (фойда ёки зарарни) аниқлашга йўналтирилгандир.

II боб бўйича хулоса

Аграр соҳада олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар негизда фермер хўжаликларини ривожлантириш ҳамда кооперация муносабатларини шакллантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бу эса, меъёрий-ҳуқуқий асосни таъминлаш мақсадида кооперация муносабатларини тартибга соладиган қонун қабул қилинишини тақозо этмоқда. Қонун қабул қилиниб, уни татбиқ этиш бўйича қонуности меъёрий ва ташкилий-услубий ҳужжатлар тизими яратилса ҳамда амалиётга жорий этилса, шубҳасиз, кооперация муносабатларининг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Шундай қилиб, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ҳамда маҳсулотларни қайта ишлаш шаклланиши ва ривожланишининг ўзига хос шароитлари, унинг хусусиятлари, шунингдек қишлоқ хўжалиги кооперациясини ривожлантириш учун ижтимоий-иқтисодий муҳит кооперация турлари ва шакллари, унинг субъектлари, уларнинг давлат билан ўзаро муносабатлари ҳамда бу хўжалик юритиш шакллари қўллаб-қувватлаш бўйича пухта ишлаб чиқилган ҳуқуқий меъёрларга эга қонунчиликни амалга оширувчи мустақил ҳуқуқий механизм сифатида ишлаб чиқиш заруратини ифодалайди.

Қишлоқ хўжалик кооперативларини ва уларнинг ассоциацияларини ташкил этиш ҳамда фаолият кўрсатиши билан боғлиқ муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, “Фермер хўжалиги тўғрисидаги” қонуни ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади. Лекин шу билан бирга қонунчиликда қишлоқ хўжалик кооперативларининг хусусиятлари етарли даражада ёритилмаган бўлиб, бу кооперациялашув ҳаракатини ташкил этиш ҳамда ривожлантиришда бир қанча муаммоларни келтириб чиқаради. Шу муносабат билан қишлоқ хўжалигида кооперация муносабатларини ривожлантириш соҳасидаги муносабатларни тартибга соладиган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни унификациялаш мақсадида “Қишлоқ хўжалигида кооперациялашув тўғрисида” алоҳида қонун қабул қилиниши мақсадга мувофиқ.

II боб. Кооперация тизими ахборот-таҳлил таъминоти ва уни такомиллаштириш

3.1. Кооперация тизимида молиявий натижаларни шакллантириш ҳисобининг ташкилий-услубий асослари, даромад ва харажатларни бюджетлаштириш

Кооперация ўзаро боғланган ишлаб чиқариш жараёнида ёки саноат тармоқларида кишиларнинг ёки ташкилотларнинг ҳамкорлик асосида ишлашини ташкил этиш шаклидир.

Фермер хўжаликлари ҳақли равишда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг муҳим бўғинига, уни ташкил этишнинг асосий шаклига айланди. Навбатдаги вазифа эса фермер хўжаликларининг турли шаклдаги кооперацияларини тузиш, фермер хўжаликлари билан турли корхона ва тармоқларнинг ишлаб чиқариш соҳасида бир-бирига яқинлашуви, улар ўртасида узвий иқтисодий алоқалар ўрнатилиши, биргаликда ишни ташкил этиш ва ҳамкорликда муаммоларини ҳал этиш ҳисобланади.

Шу билан бирга бозор шароитида сут ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш бўйича кооперация тизими иштирокчилари ўртасидаги иқтисодий муносабатларни ривожлантириш, трансферт баҳоларни ва молиявий натижаларни шакллантириш, фойдани тақсимлаш ҳисоби ҳамда назоратини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш долзарб масала ҳисобланади.

Шундай қилиб, аграр соҳада интеграциялашув ва кооперациялашув жараёнлари мамлакатимизда қарор топган бозор макони, меъёрий-ҳуқуқий база, фундаментал назария, унинг илғор услублари ва халқаро тажрибадан фойдаланган ҳолда трансферт баҳоларни ва молиявий натижаларни шакллантириш ҳамда фойдани тақсимлаш ҳисоби ва назоратини такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Бунинг учун республика ҳудудидаги сут ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш бўйича кооперация тизимига бирлашган хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини ўрганиш ва мавжуд муаммоларни аниқлаш зарур ҳисобланади.

Бунда сут ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш кооперацияси тизимида молиявий натижаларни шакллантириш ҳисоби ва таҳлили ҳамда иқтисодий муносабатлар мажмуини комплекс ўрганиш муҳим ҳисобланади.

Сут чорвачилиги қуйи тармоғининг интеграциялашуви ва кооперациялашуви шароитида самарадорликни ошириш, молиявий натижаларни шакллантиришнинг ташкилий-услубий ва ахборот-таҳлил таъминотини ривожлантириш зарурдир.

Бунинг учун, бизнинг фикримизча қуйидаги вазифалар ҳал этилиши лозим:

кооперация шароитида молиявий натижаларни шакллантиришнинг услубий таъминотини тадқиқ қилиш ва уни такомиллаштириш;

кооперация тизимида сут чорвачилиги хўжаликларида ишлаб чиқариш харажатларининг дастлабки ҳисоб ҳужжатлари, аналитик ва синтетик ҳисоб регистрларининг шаклларини такомиллаштириш;

сут ишлаб чиқариш ва қайта ишлашнинг ҳолатини ҳамда молиявий натижаларини таҳлил қилиш асосида сут чорвачилигининг самарадорлигини ошириш резервларини аниқлаш;

сут ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш соҳасидаги кооперация иштирокчилари ўртасида трансферт баҳоларни шакллантириш ҳамда якуний молиявий натижаларни тақсимлашнинг ўзаро манфаатли механизмини ишлаб чиқиш.

Даромадлар – корхонанинг асосий ва энг муҳим, доимий фаолияти турларини ташкил этадиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва етказиб бериш, хизматлар кўрсатиш ва фаолиятнинг бошқа турлари натижасида корхона активларининг кўпайиши ёки бошқа турдаги яхшиланиши, ёки мажбуриятларни қопланишидир

Харажатлар - бу мол етказиб берилиши ёки товарлар ишлаб чиқарилиши, хизматлар кўрсатилиши ёки фаолиятнинг бошқа турларини амалга ошириш натижасида келиб чиқадиган активларнинг камайиши ёки бошқача сарфланиши, ёхуд мажбуриятлар келиб чиқиши ёки уларнинг аралашмасидир. Бошқача айтганда, харажатлар - бу даромадлар олиш давомида маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишга қилинган сарфлардир.

Фойда - бу корхонага тегишли асосий ёки асосий бўлмаган фаолияти ва муомалалар натижасида, шунингдек акциядорлик капиталига қўйилмалардан ташқари, корхонага таъсир қиладиган ҳамма бошқа битимлар, муомалалар ва ҳолатлар натижасида капиталнинг кўпайишидир.

Зарарлар - бу корхонага тегишли битимлар ва муомалалар таъсирида, шунингдек акциядорлик капиталининг тақсимланиши ёки сарфланишидан ташқари, бошқа ҳамма битимлар, муомалалар ва ҳолатлар таъсирида капиталнинг камайишидир.

Даромад ва харажатларни тан олиш бу кўрсатилган суммани молиявий ҳисоботларга киритишдан иборатдир. Тан олиш тегишли суммани ҳисоботнинг якуний кўрсаткичларида акс эттиришдан ташкил топади.

Шуни эсда тутиш керакки, ушбу масалалар активлар ва мажбуриятларни ўлчаш ва тан олиш билан узвий боғлиқдир.

Даромад ва харажат моддаларини тан олиш мезонлари қуйидагилардан иборат:

модда ўлчаш учун тегишли асосга эга ва ишлатилган суммани оқилона баҳолашни амалга ошириш имкони мавжуд.

келгуси иқтисодий манфаатларнинг олиниши ёки чиқиб кетишига, ишлатилган моддалар учун бундай манфаатлар олиниши ёки берилиши эҳтимолининг мавжудлиги.

Даромад ва харажатларни тан олишнинг тўрт мезони:

аниқлаш;

баҳолаш;

ўз вақтида акс эттириш;

ишончлилиқ.

Товарларни сотишдан олинган даромадларни тан олишнинг асосий мезонлардан бири - бу сотувчи харидорга сотилган товарларга эғалик қилиш ҳуқуқидан келиб чиқадиган сезиларли таваккалчилик ва мукофотларни берганлигидир. Агар сотувчи эғалик ҳуқуқини сақлаб қолса, одатда бу битимни сотиш сифатида тан олиб бўлмайди.

Эғалик ҳуқуқи билан боғлиқ бўлган сезиларли таваккалчилик ва мукофотлар харидорга берилганлигини аниқлашда, қуйидагиларни кўриб чиқиш зарур:

Операция яқунланганлигини.

Сотувчи берилган товарлар устидан одатда эғалик ҳуқуқи даражасидаги маълум назоратни сақлаганлигини.

Даромадларнинг туркумланиши фойдаланувчига корхонанинг операцияларини тушунишга ёрдам беради. Асосий (операцион) фаолиятдан олинган даромадларни ва асосий бўлмаган фаолиятдан олинган фойдаларни фарқлаш керак.

Субъект фаолияти натижасида яратилган ва ҳада қилинган ёки кўзда тутилмаган бойликларни фарқлаш муҳимдир.

Даромадни пулнинг жорий қиймати ёки пул эквивалентлари билан ўлчанишининг зарурияти, сотилган товарларни барча қайтарилиши, савдо чегирмалари ва тақдим этилган нархни бошқа турдаги камайтирилиши даромаддан айиришни талаб этади.

2 сон БҲМСга мувофиқ қуйидаги шартлар бажарилганда товарларни сотишдан олинган даромад тан олинishi мумкин: хўжалик юритувчи субъект товарларга эгалик қилишнинг хатарлари ва афзалликларининг анча қисмини харидорга топширганда;

хўжалик юритувчи субъект одатда мулкка эгалик қилиш билан боғлиқ бўлган даражадаги раҳбарлик давомийлигини ҳам, сотилган товарларни назорат қилиш самарадорлигини ҳам сақлаб қолмаганда;

даромад миқдори ишончли даражада баҳоланганда;

хўжалик юритувчи субъект битим билан боғлиқ иқтисодий наф олиши эҳтимоли мавжуд бўлганда;

битим билан боғлиқ қилинган ёки кутилаётган харажатлар ишончли даражада аниқланадиган бўлганда.

Асосий хўжалик фаолиятидан тушган даромад операция билан боғлиқ бўлган иқтисодий наф хўжалик юритувчи субъект томонидан олинган тақдирдагина тан олинади. Даромадга киритилган миқдорни ундириш хусусида ноаниқлик вужудга келган тақдирда қайтарилмаган миқдор ёки олиш мумкин бўлмаган миқдордаги пул дастлаб тан олинган даромад миқдорининг ўзгартирилиши сифатида эмас, балки харажат сифатида тан олинади.

Даромадларни тан олишда қуйидаги пайтлар қўлланилиши мумкин:

- бериш пайти (сотиш пайти)да тан олинган даромад.

- бериш пайтидан кейин тан олинган даромад.

- бериш пайтигача тан олинган даромад.

- бериш пайтида тан олинган даромад

Даромадни тан олиш учун шартлар - шартномани бажариш ва тушум олиш имконияти - одатда товарлар ёки хизматларни бериш пайтида бажарилади. Шундай қилиб, маҳсулотларни сотишдан олинган даромад сотиш куни, яъни маҳсулот мижозга берилган куни тан олинади. Кўрсатилган хизматлардан олинган даромад хизматлар бажарилганида тан олинади ҳамма бу сотиш пайти усули деб аталади.

Мувофиқлик тамойили, ҳар қандай ҳисобот даври учун тан олиш мезонларига кўра даромадлар, даромад тамойилига мувофиқ тан олинishi талаб этади; сўнгра бу давр учун даромад олишда келиб чиққан харажатлар аниқланади.

Мувофиқлик тамойилининг моҳияти шундан иборатки, даромадлар ишлаб олинганлиги туфайли маълум бир активлар истеъмол қилиниши (масалан, хом-ашё), сотилиши (масалан, тайёр маҳсулот) ёки хизматлар ишлатилиши (масалан, иш ҳақи) керак. Активларни ва хизматларни ишлатиш харажатлари ҳисоботда ушбу даврга тегишли даромад тан олинган давр харажатлари деб тан олинishi ва ҳисобга олинishi керак.

Харажатларни қуйидагича таснифлаш мумкин:

Бевосита харажатлар - даромадга мувофиқ келадиган сотилган товарлар таннархи. Бундай харажатлар шу каби операциялар ёки ҳодисаларни бевосита ёки биргаликда ўтказиш натижасида келиб чиқадиган даромадлар тан олинishi бўйича тан олинади.

Давр харажатлари - сотиш билан боғлиқ ва умумий маъмурий харажатлардир. Бу харажатлар улар пайдо бўлган давр мобайнида тан олинади.

3. Тақсимланган харажатлар - бу амортизация ёки суғурта каби харажатлар. Бу харажатлар мунтазам равишда активлар фойда келтирилиши кутилаётган даврларга тақсимланади.

Маҳсулотни сотишга бевосита тегишли бўлган харажатлар, маҳсулотни давр ичида сотиш билан бевосита боғлиқ бўлган харажатлар одатда қуйидагиларни ўз ичига олади:

ишлаб чиқаришга сарфланадиган материаллар ва маҳсулот таннархи, ёки ҳисобот даври давомида сотиладиган товарлар, хом-ашё захираларини сотиб олиш харажатлари (сотилган товарлар таннархи).

сотиш бўйича коммиссион тўловлар, иш ҳақи, ижара, юкни ташиш харажатлари каби сотиш билан боғлиқ харажатлар.

сотилган маҳсулотнинг кафолат мажбуриятлари бўйича харажатлар.

Мувофиқлик тамойили бўйича, маҳсулотнинг сотилишига бевосита тегишли бўлган харажатларни, сотишга тегишли даромадлар тан олинадиган ҳисобот даври давомида харажатлар деб тан олиш керак. Бухгалтерия ҳисоби мақсадларида, маълум харажатларни сотиш даромадлари билан боғлаш қийин. Масалан, реклама, тадқиқотлар ва ривожланиш харажатлари хўжалик юритувчи субъектнинг қандайдир маҳсулотини тез сотиш имконини кенгайтириш мақсадида қилинади. Бироқ, бу харажатлар ва махсус даромадлар орасидаги тўғри алоқани ўрнатиш қийин. Бунинг учун бундай харажатларнинг тақсимланиши ноҳолис бўлиши мумкин. Шу мақсадда, бундай харажатлар, улар келиб чиққандаги харажатлар деб ҳисобланади.

Хизматларнинг сотилишига олиб бориладиган бевосита харажатларни қуйидагича туркумлаш мумкин:

бошланғич бевосита харажатлар - бу хизматлар кўрсатиш бўйича музокаралар ва операцияларини амалга ошириш билан бевосита боғлиқ харажатлардир. Бундай харажатлар комиссия тўловлари, юридик хизматлар гонорарлари, савдо агентларига комиссия тўловлардан ташқари компенсация тўловлари, сотишда иштирок этмайдиган, музокаралар олиб боришда ва хизмат кўрсатиш операцияларини амалга оширишга тегишли ҳодимларга компенсация тўловларини ўз ичига олади.

қўшимча бевосита харажатлар - бу хизматларни сотиш билан боғлиқ харажатлардир. Масалан, эҳтиёт қисмлар қиймати, шунингдек хизмат кўрсатиш шартномасига киритилмаган хизматлар бўйича меҳнат қиймати.

Барча бевосита харажатларни хизмат кўрсатишдан олинган тегишли даромад, даромадлар ва харажатларнинг мувофиқлик тамойилига мувофиқ тан олинадиган давр учун харажатлар деб тан олиш керак. Шундай қилиб, бошланғич тўғри харажатлар ва хизматларни бажаришдан олинган даромадни тан олишгача вужудга келадиган ҳар қандай қўшимча тўғри харажатлар олдиндан тўлов сифатида муддати ўзайтирилиши ва хизматлардан олинган тегишли даромад тан олинаётганда харажатлар деб ҳисобланиши зарур.

Агар хизматлар кўрсатишдан олинган даромад мутаносиб бажариш усулига мувофиқ тан олинаётган бўлса, бошланғич тўғри харажатлар бу хизматларга тегишли даромадлар тан олинаётган вақтда харажатлар деб ҳисобланиши керак. Бироқ, қўшимча тўғри харажатлар улар вужудга келганда харажатлар деб ҳисобланиши керак. Агар хизматлардан олинадиган

даромад инкассация қилиш усули бўйича тан олинса, барча бевосита харажатлар улар вужудга келганда харажатлар деб ҳисобланади.

Маҳсулот ёки хизматлар сотилиши билан бевосита боғлиқ бўлмаган харажатлар ўз ичига давр харажатлари каби тақсимланган харажатларни ҳам олади. Масалан, реклама харажатларини муайян турлари, тугалланмаган маҳсулот ёки хизматлар бўйича битимларда белгиланган, сарфланган вақт учун товон тўловлари, умумий маъмурий харажатлар ва амортизация. Давр харажатларини даромадлар билан мувофиқлаштириш учун объектив асос мавжуд бўлмаганлиги туфайли ушбу харажатлар пайдо бўлганида сарфларга киритиладиган харажатлар каби таърифланади. Шунга ўхшаш тақсимланган харажатлар даврлар бўйича бир меъёردа тақсимланиши керак.

Модданинг фойда ёки зарар, ёки оддий даромад ёки харажат ҳисобланиши хўжалик юритаётган субъектнинг фаолият турига боғлиқ. Фойда ёки зарарлар даромад ва харажатлардан фарқ қилади. Аксарият фойда ва зарарлар уларга оид битим якунланганда тан олинади.

Фойда ёки зарар тан олинаётганда якунланган битимни акс эттириш учун махсус ўтказмалар қилинади.

Ҳисобланган зарарлар уларнинг якуний сотилишигача тан олинади. Масалан:

- қисқа муддатли инвестицияларнинг сотиб олиш қийматидан паст бўлган бозор қийматигача қисман ҳисобдан чиқариш бўйича

- бизнеснинг бир қисмини сотишдан кўрилган

- ечилиши кутилатган тортишувлар бўйича

Активларни мажбурий тарзда тортиб олиш бўйича сотилмаган зарарлар, агар улар эҳтимоли бўлса ва асосли ҳисоб-китоб қилиниши мумкин бўлса, тан олинади. Агар иккала шартлар ҳам қондирилган бўлса, унда шартли зарар табиати ва суммаси молиявий ҳисоботларнинг изоҳ хатларида очиб берилиши мумкин.

Бунга аксинча, фойдалар ҳеч қачон фойда олиш ҳолатини ва суммасини аниқловчи битим якунланмагунча тан олинмайди.

Фойда ёки зарар бухгалтерия ҳисоби тамойилларининг ўзгариши каби соф ички воқеалар натижасида келиб чиқиши мумкин. Бундай фойда ва зарарлар, бу ўзгаришлар рўй берадиган даврда тан олинади.

Фойда ва зарарлар ҳисобга олишда консерватизм тамойилига риоя қилиш зарур. Яъни, зарарлар улар ҳақиқатда рўй берган вақтгача тан олиншига олиб келади, лекин битим ёки воқеа якунлангунча фойдаларнинг тан олиншининг олдини олади.

Аксарият субъектлар учун даромад олиш жараёни узлуксиз бўлади. Фойда олишга йўналтирилган чора-тадбирлар пул маблағлари оқими узлуксизлигини ва активлар кўпайишини таъминлайди, шу билан бирга активларни камайишига ёки сарфланишига олиб келади.

Фойда олиш жараёни даромадларни тан олишнинг икки мезонига риоя қилинмагунга қадар бухгалтерия ёзувларида тан олинмайди:

- сотилиш;

- даромадни олиш.

Товарларни сотиш ёки хизматларни бажариш билан шуғулланаётган аксарият субъектлар учун даромад товарлар етказиб берилганда ёки хизматлар бажарилганда тан олинади. Ушбу усул сотилиш пайти усули (ёки сотилиш усули) деб аталади. Молиялаштириш юзасидан тузилган келишувларда, маҳсулот келишув бўлмаган томонга сотилмагунга қадар даромад тан олинмайди.

Аксарият фойда ва зарарлар тегишли битим якунлангандан сўнг тан олинади. Тахмин қилинаётган фойда эмас, тахмин қилинаётган зарар, мавжуд бўлиш эҳтимоли пайдо бўлганда ва асосли равишда баҳоланиши мумкин бўлганда тан олинади.

Муддати узайтирилган сотувлар усули бўйича даромадларни тан олиш ялпи фойдани тан олишни пул олинмагунга қадар муддатини узайтиради ва ялпи фойда муддати узайтириб сотишнинг бошланиши даврига ялпи фойда даражаси бўйича тан олинади.

7. Харажатларни қоплаш усули ниҳоятда консерватив усул ҳисобланади, ушбу усул бўйича сотув моддаси билан боғлиқ барча сарфлар нақд пул маблағлари билан қопланмагунга қадар ҳеч қандай фойда тан олинмайди. Барча кейинги касса тушумлари фойда тариқасида тан олинади. Ушбу усул мувофиқлик концепциясидан четга чиқади.

Даромадлар, фойда, харажатлар ва зарарлар счётлари молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот счётларидир. Қолган счётлар бухгалтерия баланси счётлари ҳисобланади. Даромадлар, фойда, харажатлар ва зарарлар счётлари шунингдек вақтинчалик счётлар деб аталади, чунки улар фақат жорий ҳисобот даври учун маълумотларни жамлаш мақсадида ишлатилади. Одатда бир йилни ташкил этадиган ҳар бир ҳисобот даврининг охирида, ушбу счётлардаги қолдиқлар ўтказилади ёки ёпилади. Ушбу фойда ва зарарлар ҳисоботининг счётларидаги қолдиқларни тақсимланмаган фойда тўғрисидаги ҳисоботга даврий ўтказиш (ёки тозалаш), ёпиладиган бухгалтерия ўтказмалари орқали амалга оширилади. Ёпиладиган бухгалтерия ўтказмалари икки мақсадга хизмат қилади:

- соф фойдани ёки зарарни тақсимланмаган фойдага ўтказиш;

- кейинги ҳисобот даврини бошлаш учун ҳар бир вақтинчалик счётларда ногна тенг қилинган қолдиқларини белгилаш.

Шундай қилиб, ушбу счётлар янги ҳисобот йилнинг бошидан ҳисобот йил учун маълумотларни вақтинчалик йиғиш вазифасини бажаришга тайёр бўлади.

Бухгалтерия балансининг счётлари (активлар, мажбуриятлар, хусусий капитал) мунтазам равишда ёпилмайди, шунинг учун уларни доимий счётлар деб аталади.

3.2. Кооперация тизими иштирокчилари даромад ва харажатлар ҳисоби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш масалалари

Хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг молиявий натижасини таърифловчи асосий кўрсаткич бўлиб, баланс (ялпи) фойда ва зарари ҳисобланади.

Молиявий натижани аниқлаш тартиби Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори билан «Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом» асосида амалга оширилади.

Ушбу Низомнинг аҳамияти катта бўлиб, у солиққа тортиладиган фойда билан бухгалтерия счётида (баланс фойда) ҳосил бўладиган фойда фарқини аниқлаш имкониятини беради.

“... харажатлар таркиби тўғрисида Низом” бир томондан хўжалик юритувчи субъектларга ҳисобот даври ичида содир бўлган харажатлар ва даромадлар тўғрисидаги аниқ маълумотларни олиш имкониятини берса, иккинчи томондан солиқ қонунларига биноан солиқ органларига ҳисоботларни тузиб топшириш имкониятини беради.

Хўжалик юритувчи субъект баланс фойдасини аниқлаш учун сотишдан тушган тушумдан олиб ташланадиган харажатлар рўйхати ушбу Низомнинг асосий матнида келтирилган. Бундан кейин хўжалик юритувчи субъект бухгалтерия ҳисоби счётларида кўрсатилган фойдани солиқ қонунчилигига биноан тузатиб (корректировка қилиб), солиққа тортиладиган фойдани аниқлайди. Бухгалтерия ҳисоби счётларидаги фойдани солиқ қонунчилигига биноан тузишга мисол қилиб нормадан ортиқ харажатланган сафар харажатлари, реклама харажатлари ва бошқаларни келтириш мумкин.

Солиққа тортиладиган базани ҳисоблаб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси талабларига риоя қилиниши керак. Бунинг натажасида хўжалик юритувчи субъект қуйидаги маълумотларга эга бўлади:

қанча ва хўжалик юритувчи субъектнинг қайси бўлинмаларидан ишлаб чиқариш, молиявий ва бошқарув фаолияти натижасида фойда олинди;

хўжалик юритувчи субъектнинг якуний фаолиятига давлатнинг солиқ сиёсати қанчалик таъсир қилганлиги;

якуний натижада хўжалик юритувчи субъект бюджетга қанча пул ўтказиб бериши.

“... харажатлар таркиби тўғрисида Низом” га мувофиқ хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг молиявий натижалари қуйидаги кўрсаткичлар билан тавсифланади:

- маҳсулот сотишдан олинган ялпи фойда – маҳсулотларни сотишдан олинган даромад суммасидан сотилган маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш таннархини чегириш йўли билан аниқланади. Яъни ялпи фойда қуйидагича аниқланади:

$$ЯФ = ССТ - ИТ$$

бунда:

ЯФ - маҳсулот сотишдан олинган ялпи фойда;

ССТ- маҳсулот (иш, хизмат) лар сотишдан соф тушум;

ИТ - сотилган маҳсулот (иш, хизмат) ларнинг ишлаб чиқариш таннархи.

- Асосий фаолиятдан кўрилган фойда сотишдан олинган ялпи фойда суммасидан давр харажатлари чегирилиб, асосий фаолият натижасида олинган бошқа даромадлари қўшилади ва қуйидагича аниқланади:

$$АФФ = ЯФ - ДХ - БД - БЗ$$

бунда:

АФФ - асосий фаолиятдан олинган фойда;

ЯФ - ялпи фойда;

ДХ - давр харажатлари;

БД - асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар;

БЗ - асосий фаолиятдан кўрилган бошқа зарарлар.

- Умумхўжалик фаолиятдан олинган молиявий натижа субъектнинг асосий фаолияти натижасида олинган фойда суммасидан молиявий фаолияти натижасида кўрилган зарар суммаси чегирилади ва олинган фойда суммаси қўшилади.

Ушбу кўрсаткич қуйидагича аниқланади:

$$УФ = АФФ + МД - МХ$$

бунда:

УФ - умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда;

АФФ - асосий фаолиятдан олинган фойда;

МД — молиявий фаолиятдан олинган даромадлар;

МХ — молиявий фаолият харажатлари.

- Солиқ тўлангунга қадар фойда умумхўжалик фаолияти молиявий натижасига фавқулодда ҳолатлардан олинган фойда суммаси ёки кўрилган зарарларнинг суммаси чегирилади.

$$СТФ = УФ - ФЗ + ФФ$$

- Ҳисобот даврининг соф фойдаси солиқ тўлангунга қадар фойдадан даромад солиғи ва фойдадан тўланадиган бошқа солиялар ва мажбурий тўловлар суммасини чегириш йўли билан аниқланади.

$$СФ = СТФ - ДС - БС$$

Ҳисобот даврининг соф фойдасини ҳисоблаш учун бухгалтер ёпиладиган ўтказмаларни тузиши лозим, бошқача қилиб айтганда, бу “балансни реформация қилиш (ўзгартириш)” деб аталади. Корхоналарнинг ҳисобот топшириш даврларидан қатъий назар, ёпиладиган ўтказмаларни ҳар ойда тайёрлаш мақсадга мувофиқдир. Бу қуйидаги муҳим кўрсаткичлар: ялпи даромад, даромад ва харажатлар, тақсимланмаган фойда ва бошқалар тўғрисида тезкор маълумотларга эга бўлиш имкониятини яратади.

Счётларни ёпиш жараёни қуйидагилардан иборат:

даромадлар счётларини ёпиш;

харажатлар счётларини ёпиш;

даромад ва харажат орасидаги фарқни аниқлаш ва фойда ёки зарарни ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари) счётига ҳисобдан чиқарилади;

тақсимланмаган фойданинг тақсимланишини акс эттириш;

тақсимланмаган фойдани жамғарилган фойда (қопланмаган зарар)га ҳисобдан чиқариш.

Масалан, “Рамазон” фермер хўжалиги 2013 даври мобайнида қуйидаги даромадлар ва харажатларга эга: маҳсулот (иш, хизмат)лар сотишдан олинган даромад - 1150796615 сўм; сотилган маҳсулот (иш, хизмат)лар таннархи - 454168918 сўм; давр харажатлари - 121468713 сўм. Счётларни ёпиш бўйича қуйидаги ёпиладиган ўтказмалар тузилади:

даромадлар счётининг ёпилиши:

Дебет 9010-“Тайёр маҳсулотларни сотишдан олинган даромадлар” –1150796615 сўм

Кредит 9910-“Якуний молиявий натижа” – 1150796615 сўм

харажатлар счётининг ёпилиши:

Дебет 9910-“Якуний молиявий натижа” –454168918 сўм

Кредит 9110-“Сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннари” – 454168918 сўм;

Дебет 9910-“Якуний молиявий натижа” – 81234513 сўм

Кредит 9420-“Маъмурий харажатлар” – 81234513 минг сўм;

Дебет 9910-“Якуний молиявий натижа” – 404234200 минг сўм

Кредит 9430-“Бошқа операцион харажатлар” – 404234200 минг сўм.

Сўнгра 9910-“Якуний молиявий натижа” счётининг дебети ва кредити орасидаги фарқни ҳисоблаймиз. Ушбу счётининг дебет айланмалари кредит айланмаларидан кўп бўлган тақдирда, фарқ қопланмаган зарарни ташкил этади ва қуйидаги ўтказма билан акс эттирилади:

Дебет 8710-“Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)”

Кредит 9910-“Якуний молиявий натижа”.

Агарда фермер хўжалигида ҳисобот даврида қопланмаган зарарга эга бўлса баланс пассивидаги капитал бўлимида тақсимланмаган фойда счётининг дебет қолдиғи манфий сумма ёки қизил ранг билан акс эттирилади.

Кредит айланмалари дебет айланмаларидан кўп бўлган ҳолатда, фарқ ҳисобот аври бўйича соф ёки тақсимланмаган фойда суммасини кўрсатади.

Юқоридаги “Рамазон” фермер хўжалиги 2013 йил маълумотларидан кўринадики, хўжалик 575158984 сўм фойда олган.

Ушбу фойда қуйидаги ўтказма билан акс эттирилади:

Дебет 9910-“Якуний молиявий натижа” – 575158984 минг сўм

Кредит 8710-“Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)” – 575158984 минг сўм.

Агарда фермер хўжалигида ўтган даврда йўл қўйилган хатолар аниқланганлиги ёки эътиборсизлик натижасида маълумотлар нотўғри акс эттирилиши, шунингдек ҳисоб сиёсатида ўзгартиришлар киритилиши муносабати билан тақсимланмаган фойданинг қолдиғига тузатиш киритилиши мумкин. 3-сонли БҲМСга мувофиқ, олдинги даврларда содир этилган асосий (муҳим) хатонинг суммаси йил бошига тақсимланмаган фойда қолдиғини ўзгартириш йўли билан акс эттирилади. Бундан ташқари, фермер хўжалигининг ҳисоб сиёсати ўзгартирилган тақдирда тақсимланмаган фойдага тузатишлар киритилади.

3.3. Молиявий натижаларни таҳлил этишнинг аҳамияти, ахборот манбалари ва ташкил қилиниши

Молиявий натижалар таҳлилида даромад ва харажатларнинг ўзаро фарқланишидаги ҳолатга баҳо берилади. Молиявий натижалар фойда ва зарарларнинг шаклланиш қаторлари бўйича ўзгаришлари ўрганилади. Фойда ва зарарларнинг омилли таҳлили олиб борилади. Корхонада молиявий натижавийликни яхшилаш юзасидан ички имкониятларнинг мавжудлиги ва уларни йўлга қўйишнинг чора ва тадбирлари белгиланади. Корхонанинг фойдалилик даражаасини ҳарактерловчи рентабеллик кўрсаткичи ва унинг омилли таҳлили ўтказилади.

Таҳлил молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни ўқиш, вертикал таҳлил, горизонтал таҳлил, трендли таҳлил ва кўрсаткичларни аниқлаш усулларида олиб борилади. Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни ўқишда унинг сатрлар бўйича кўрсаткичлари тартибланишига, молиявий натижавийликни ҳарактерловчи умумий қаторларнинг қиймат ифодаси, ҳисобот даври ва ўтган йилнинг шу даври бўйича маълумотларга умумий изоҳ берилади.

Вертикал таҳлилда молиявий натижаларнинг шаклланишини бир қаторли ва кўп қаторли усулларида ўзаро фарқланишларга ва нисбий ўзгаришларга баҳо берилади.

Горизонтал таҳлилида эса молиявий натижаларнинг бўйламасига таркибланиши ва уларнинг ўзгаришлари ўрганилилади.

Асосли ёки тренд таҳлилида молиявий натижалар ва уларнинг йиллир бўйича ўзгариши, динамикаси ёки асос йилига нисбатан ўзгаришларига баҳо берилади.

Молиявий натижалар таҳлилида қўлланиладиган асосий кўрсаткичлар қаторига эса корхона фойдалилиги ёки натижавийлиги кўрсаткичлари, бозор активлиги кўрсаткичлари киритилади. Корхона фойдалигини ҳарактерловчи асосий кўрсаткичлар сифатида рентабеллик кўрсаткичлари олинади.

Молиявий натижалар таҳлил ташқи ва ички субъектлар томонидан олиб борилади. Ички субъектлар томонидан олиб бориладиган таҳлил ички молиявий таҳлил қаторига киритилиб, факат шу корхонанинг ходимлари томонидан олиб борилади.

Молиявий ҳисоботнинг бетарафлиги шундаки, ундан ҳам ички ҳам ташқи ахборот фойдаланувчиларнинг манфатлари мужассамлашган. Ички молиявий таҳлилда корхонада кўпроқ молиявий натижаларни юзага чиқиш ўрни, шакли бўйича ўзгаришларига аҳамият берилади. Яъни уларнинг анилитик қаторига кўпроқ аҳамият берилади.

Ташқи таҳлил субектларига эса солиқ органлари, банк ташкилотлари, акционерлар, мулк эгалари, инвесторлар, шунингдек корхона фаолияти билан билвосита қизиқувчи учинчи шахслар кириши мумкин.

Уларни кўпроқ корхонанинг фойдалилик даражаси ва унинг йиллар бўйича ўзгаришлари қизиқтиради.

Фермер хўжалигининг молиявий натижаларини таҳлил этишда таҳлилнинг асосий вазифалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- фермер хўжалигининг фойдалилик даражасига баҳо бериш;
- фермер хўжалигининг молиявий натижаларини таркиби, тузилиши ва динамик ўзгаришларига баҳо бериш;
- бизнес режада белгиланган фойдалилик даражасига эришилганлиги ва унга таъсир этган омилларни ўрганиш ҳамда баҳо бериш;
- фойданинг шаклланиши ва ишлатилишининг асосланганлигини текшириш;
- фойданинг кўпайган ёки камайганлигига маҳсулот (иш, хизмат)лар сотишдан ва бошқа фаолиятлардан эришилган натижанинг таъсир этишини аниқлаш;

- фермер хўжалигининг ялпи фойдаси ва унга таъсир этувчи омилларга баҳо бериш;
 - солиққа тортилгунга қадар бўлган фойданинг шаклланишига ва унга таъсир этувчи омилларга баҳо бериш;
 - фермер хўжалигининг соф фойдаси ва унга таъсир этувчи омилларни ўрганиш ҳамда баҳо бериш;
 - соф фойдани кўпайтириш йўналишларини белгилаб бериш;
 - фермер хўжалигининг рентабеллик кўрсаткичларини ўрганиш ва уларга таъсир этувчи омилларга баҳо бериш;
 - фермер хўжалигининг умумий рентабеллик даражасини ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва бошқалар.
- Фермер хўжалигининг молиявий натижаларини таҳлил этишда асосий ахборот манбалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:
- бизнес режа маълумотлари;
 - фермер хўжалигининг «Молиявий натижалар тўғрисида»ги ҳисобот (2-шакл) маълумотлари;
 - бухгалтерия ҳисобининг молиявий натижаларни акс эттирувчи тегишли счёти маълумотлари.

Молиявий натижалар тўғрисидаги умумлашган маълумотлар молиявий ҳисоботнинг муҳим шакли 2-шаклда «Молиявий натижалар тўғрисидаги» ҳисобот шаклида ифодаланади.

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот ва уни тўлдириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2002 йил 27-декабрдаги 140- сонли Йўриқномаси асосида белгиланади.

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот шаклининг асосий кўрсаткичларига қуйидагилар киритилади:

- маҳсулот сотишдан олинган ялпи (соф) тушум;
- маҳсулот сотишдан олинган ялпи фойда;
- асосий фаолиятдан фойда (зарар);
- молиявий фаолиятдан фойда (зарар);
- умумхўжалик фаолиятидан фойда (зарар);
- фавқулодда фойда (зарар);
- солиқ тўлагунга қадар фойда (зарар);
- соф фойда (қопланмаган зарар).

Ушбу кўрсаткичларни ҳисоб-китоб қилиш юзасидан албатта фермер хўжалигининг қуйидаги харажат қаторларини ҳам таркиблаш ва фарқлаш лозим:

- сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннари;
- давр харажатлари;
- молиявий фаолиятдан харажатлари;
- фавқулодда харажатлари.

Даромад ва харжатларни бундай таркибда туркумланиши қуйидагиларга имкон беради:

- ишлаб чиқариш харажатларини бошқа харажатлардан фарқлаш ва ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлигига баҳо бериш;
- молиявий бошқарув юзасидан операцион харажатларни бошқа харажатлардан фарқлаш;
- фермер хўжалиги томонидан олинган даромадларни уларнинг юзага келиши ёки шаклланиши бўйича алоҳида таркиблаш (асосий фаолиятдан, молиявий фаолиятдан ҳамда қутилмаган ҳолатлардан).

Бугунги кунда барча корхоналарда молиявий натижаларнинг шаклланиши Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган ҳамда 1999 йил 5-февралда тасдиқланган “Маҳсулот (иш, хизмат)лар ишлаб чиқариш харажатларининг таркиби ва молиявий натижаларнинг шаклланиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосан белгиланади. Мазкур Низомга мувофиқ молиявий натижаларнинг шаклланиш қаторларига қуйидагилар киритилади:

- маҳсулот (иш, хизмат)лар сотишдан олинган ялпи молиявий натижа;
- асосий фаолиятнинг ялпи молиявий натижаси;
- молиявий фаолиятдан кўрилган натижа;
- умумхўжалик фаолиятидан олинган ялпи молиявий натижа;
- фавқулодда қутилмаган ҳолатлардан натижа;
- солиқ тўлангунгача бўлган ялпи молиявий натижа;
- йилнинг соф фойдаси (зарари).

Молиявий натижаларнинг бу таркиб туркумланишини халқаро ҳисоб стандартларига нисбатан берилган дейиш мумкин. Магистрлик диссертацияси объекти бўлган “Абдукарим файз боғи” фермер хўжалигида молиявий натижаларнинг шаклланиши бўйича таҳлилни қуйидаги жадвал маълумотлари асосида бериш мумкин.

3.1-жадвал

“Абдукарим файз боғи” фермер хўжалигининг молиявий натижалари таркиби, тузилиши ва динамик ўзгаришларининг таҳлили

Кўрсаткичлар	Йиллар		Ўзгариши (+, -)
	2012	2013	
1. Маҳсулот (иш, хизмат)лар сотишдан олинган соф тушум, минг сўм	8179,5	10960	+2780,5
2. Сотилган маҳсулот (иш, хизмат)лар таннари, минг сўм	4243	5215,5	+972,5
3. Маҳсулот сотишдан ялпи фойда, минг сўм	3936,5	5744,5	+1808
4. Давр харажатлари, минг сўм	2100,1	3339,2	+1239,1
5. Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари, минг сўм	-	-	-
6. Асосий ишлаб чиқариш фаолиятининг ялпи молиявий натижаси, минг сўм	1836,4	2405,3	+568,9
7. Молиявий фаолиятнинг даромадлари, минг сўм	-	-	-
8. Молиявий фаолият харажатлари, минг сўм	-	-	-
6. Умумхўжалик фаолиятининг ялпи молиявий натижаси, минг сўм	1836,4	2405,3	+568,9

7. Фавқулдда фойда ва зарарлар, минг сўм	-	-	-
8. Даромад солиғи тўлагунга қадар фойда (зарар), минг сўм	1836,4	2405,3	+568,9
9. Даромад(фойда)дан солиқ ва бошқа солиқлар, минг сўм	1773,9	1773,9	-
10. Ҳисобот давридаги соф фойда, минг сўм	62,5	631,4	+568,9

3.1 – жадвал маълумотларидан кўринадики, “Абдукарим файз боғи” фермер хўжалигида 2013 йилда 2012 йилга нисбатан 568,9 минг сўмга соф фойдаси кўпайган. Фермер хўжалигининг молиявий натижалари таркибига эътибор қаратадиган бўлсак, маҳсулот сотишдан олинган соф тушум 2012 йилга нисбатан 2013 йилда 2780,5 минг сўмга ортган, сотилган маҳсулот таннархи ҳам 2012 йилга нисбатан 972,5 минг сўмга кўпайган, ушбу кўрсаткичларга мос равишда ялпи фойда кўрсаткичи ҳам 2012 йилга нисбатан 1808 минг сўмга кўпайган. Шунингдек, давр харажатлари 2012 йилга нисбатан 1239,1 минг сўмга кўпайганлигини кўришимиз мумкин. Фермер хўжалиги соф фойдасининг кўпайишига асосан маҳсулот сотишдан олинган соф тушум миқдорининг 2012 йилга нисбатан ортиши таъсир кўрсатган.

Агарда фермер хўжалигида сотилган маҳсулотларнинг таннархи 2012 йилдаги кўрсаткичга тенг бўлганида эди, хўжаликнинг ялпи фойдаси яна 972,5 минг сўмга кўпайган бўларди. Шу билан бирга, давр харажатлари кўрсаткичи ҳам 2012 йилдаги кўрсаткичга тенг бўлганда эди, хўжаликнинг асосий фаолият фойдаси яна 1239,1 минг сўмга ошган бўлар эди. Демак, фермер хўжалиги раҳбарияти маҳсулот ишлаб чиқариш таннархи ва давр харажатларининг 2012 йилга нисбатан ортишига қандай омиллар сабаб бўлганлигини ўрганиб чиқиши ҳамда уларни келгусида қисқартириш чораларини кўриши лозим деб ҳисоблаймиз.

3.2-жадвал

“Абдукарим файз боғи” фермер хўжалигининг маҳсулот сотишдан олинган фойдаси ва унинг ўзгаришини омилли таҳлили

№	Кўрсаткичлар	2012 йил	2013 йил маҳсулот сотишдан соф тушум ва 2012 йил ишлаб чиқариш таннархи	2013 йил	Ўзгариши (+;-)	шу жумладан	
						маҳсулот сотишдан олинган соф тушум ўзгариши ҳисобига	ишлаб чиқариш таннархи ўзгариши ҳисобига
1	Маҳсулот сотишдан олинган соф тушум, минг сўм	8179,5	10960	10960	+2780,5	x	X
2	Сотилган маҳсулотларни ишлаб чиқариш таннархи, минг сўм	4243	4243	5215,5	+972,5	x	X
3	Маҳсулот сотишдан олинган ялпи фойда, минг сўм	3936,5	6717	5744,5	+1808	+2780,5	-972,5

3.2-жадвал маълумотларидан кўринадики, фермер хўжалигида маҳсулот сотишдан олинган ялпи фойда миқдори 2012 йилга нисбатан 1808 минг сўмга ўсган. Бу ўзгариш қуйидаги омиллар, яъни маҳсулот сотишдан олинган соф тушум миқдорининг 2012 йилга нисбатан 2780,5 минг сўмга кўпайиши, ялпи фойданинг 2780,5 минг сўмга ортишига таъсир кўрсатган.

Сотилган маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш таннархининг 2012 йилга нисбатан 972,5 минг сўмга кўпайиши эса, ялпи фойданинг 972,5 минг сўмга камайишига таъсир кўрсатган. Ушбу омилнинг таъсири натижасида хўжалик ялпи фойдасининг маҳсулот сотишдан олган соф тушумининг 2012 йилга нисбатан 2780,5 минг сўмга ортиши орқали кўпайишини 972,5 минг сўмга камайтирган. Натижада ялпи фойда кўрсаткичи 2012 йилга нисбатан 2780,5 минг сўм эмас, балки 1808 минг сўмга кўпайган.

Хулоса қилиб айтганда, хўжалик ялпи фойдасини оширишнинг ички имконияти мавжуд бўлиб, бунинг учун хўжалик раҳбарияти маҳсулот сотишдан соф тушум миқдорини кўпайтириш ва маҳсулот ишлаб чиқариш таннархини пасайтириш бўйича зарур чораларни ишлаб чиқиши лозим.

3.3-жадвал

“Абдукарим файз боғи” фермер хўжалигининг рентабеллик кўрсаткичлари таҳлили

№	Кўрсаткичлар	Йиллар		Ўзгариши (+;-)
		2012	2013	
1	Маҳсулот (иш, хизмат)лар сотишдан олинган соф тушум, минг сўм	8179,5	10960	+2780,5
2	Сотилган маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг ишлаб чиқариш таннархи, минг сўм	4243	5215,5	+972,5
3	Маҳсулот (иш, хизмат)лар сотишдан олинган ялпи фойда, минг сўм	3936,5	5744,5	+1808
4	Соф фойда, минг сўм	62,5	631,4	+568,9
5	Асосий воситаларнинг ўртача йиллик қиймати (қолдиқ қийматда), минг сўм	968	968	-
6	Айланма маблағларининг ўртача йиллик қиймати, минг сўм	6345,4	6969,8	+624,4

7	Корхонанинг жами мулки, минг сўм	7649,6	8226	+576,4
8	Ўзлик маблағлари манбаи, минг сўм	6841	7837,3	+996,3
9	Маҳсулот сотиш рентабеллиги, %	48	52	+4
10	Асосий воситалар рентабеллиги, %	6,46	65,23	+58,77
11	Айланма маблағлари рентабеллиги, %	0,98	9,06	+8,08
12	Ўз маблағлари рентабеллиги, %	0,91	8,06	+7,15
13	Ишлаб чиқариш таннархи рентабеллиги, %	93	110	+17
14	Мол-мулк рентабеллиги, %	0,82	7,67	+6,85
15	Умумий рентабеллик, %	0,85	7,95	+7,1

3.3-жадвал маълумотларидан кўринадик, “Абдукарим файз боғи” фермер хўжалигида 2013 йилда 2012 йилга нисбатан маҳсулотларни сотишдан олинган соф тушум миқдори 2780,5 минг сўмга ортган бўлсада, бунга мос равишда сотилган маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш таннархи ҳам бошқа турдаги активлар ҳам ўсган. Соф фойда миқдори эса 2012 йилга нисбатан 568,9 минг сўмга кўпайган. Натижада барча рентабеллик кўрсаткичларида ўсиш тенденциялари ҳосил бўлган. Умуман олганда, “Абдукарим файз боғи” фермер хўжалиги раҳбарияти келгусида рентабеллик кўрсаткичларни янада яхшилаш бўйича ички имкониятларини ўрганган ҳолда тегишли чораларни кўриши керак деб ҳисоблаймиз.

III боб бўйича хулоса

Кооперация тизими шароитида қуйидаги харажат қаторларини таркиблаш ва фарқлаш лозим:

- сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи;
- давр харажатлар;
- молиявий фаолиятдан харажатлар;
- фавқулодда харажатлар.

Харажатларни бундай таркибда туркумланиши қуйидагиларга имкон беради:

- ишлаб чиқариш харажатларини бошқа харажатлардан фарқлаш ва ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлигига баҳо бериш;

- молиявий бошқарув юзасидан операцион харажатларни бошқа харажатлардан фарқлаш;
- фермер хўжалиги томонидан олинган даромадларни уларнинг юзага келиши ёки шаклланиши бўйича алоҳида таркиблаш (асосий фаолиятдан, молиявий фаолиятдан ҳамда кутилмаган ҳолатлардан).

Қибрай туманидаги мева-сабзавотчиликка ихтисослашган “Абдукарим файз боғи” фермер хўжалиги маълумотларини ўрганганимизда, маҳсулот сотишдан олинган соф тушум 2012 йилга нисбатан 2013 йилда 2780,5 минг сўмга ортган, сотилган маҳсулот таннархи ҳам 2012 йилга нисбатан 972,5 минг сўмга кўпайган, ушбу кўрсаткичларга мос равишда ялпи фойда кўрсаткичи ҳам 2012 йилга нисбатан 1808 минг сўмга кўпайган. Шунингдек, давр харажатлари 2012 йилга нисбатан 1239,1 минг сўмга кўпайганлигини кўришимиз мумкин. Фермер хўжалиги соф фойдасининг кўпайишига асосан маҳсулот сотишдан олинган соф тушум миқдорининг 2012 йилга нисбатан ортиши таъсир кўрсатган.

Фермер хўжалиги раҳбарияти маҳсулот ишлаб чиқариш таннархи ва давр харажатларининг 2012 йилга нисбатан ортишига қандай омиллар сабаб бўлганлигини ўрганиб чиқиши ҳамда уларни келгусида қисқартириш чораларини кўриши лозим. Фермер хўжалиги ялпи фойдасини оширишнинг ички имконияти мавжуд бўлиб, бунинг учун хўжалик раҳбарияти маҳсулот сотишдан соф тушум миқдорини кўпайтириш ва маҳсулот ишлаб чиқариш таннархини пасайтириш бўйича зарур чораларни ишлаб чиқиши керак.

Фермер хўжалигида 2013 йилда 2012 йилга нисбатан маҳсулотларни сотишдан олинган соф тушум миқдори 2780,5 минг сўмга ортган бўлсада, бунга мос равишда сотилган маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш таннархи ҳам бошқа турдаги активлар ҳам ўсган. Соф фойда миқдори эса 2012 йилга нисбатан 568,9 минг сўмга кўпайган. Натижада барча рентабеллик кўрсаткичларида ўсиш тенденциялари ҳосил бўлган. Умуман олганда, “Абдукарим файз боғи” фермер хўжалиги раҳбарияти келгусида рентабеллик кўрсаткичларни янада яхшилаш бўйича ички имкониятларини ўрганган ҳолда тегишли чораларни кўриши лозим.

Хулоса

Магистрлик диссертациясини бажариш давомида кооперация тизими иштирокчилари даромад ва харажатларни тан олиш, молиявий натижаларни шакллантириш ва ҳисобда акс эттириш масалаларининг назарий томонлари амалдаги меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ўрганишда ва амалиёт маълумотлари асосида таҳлил қилинди ҳамда қуйидаги хулоса ва таклифлар шакллантирилди:

1. Кооператив тамойиллар ушбу қадриятларни ҳаётга жорий этишга кўмаклашувчи императивлар ҳисобланади, хусусан:
 - ихтиёрий ва очиқ аъзолик. Кооперативлар ихтиёрий ташкилот бўлиб, унинг хизматларидан фойдалана оладиган, аъзолик билан боғлиқ масъулиятга эга бўла оладиган, жинси, ижтимоий, сиёсий ва диний қарашларидан катъий назар барча кишилар учун очикдир;
 - кооператив аъзолари томонидан амалга оширилувчи демократик назорат. Кооперативлар демократик ташкилот бўлиб, сиёсатни ишлаб чиқиш ва қарорлар қабул қилишда фаол иштирок этувчи аъзолари томонидан назорат қилинади. Бошланғич кооперативларда аъзолар тенг овоз ҳуқуқига эга, бошқа даражадаги кооператив бирлашмалар ҳам демократик принципларга асосланади;
 - кооператив аъзоларининг иқтисодий иштирок. аъзолари ўз улушлари билан ўз кооперативлари капиталини ҳосил қиладилар ва демократик назорат қиладилар. Кооператив аъзолари одатда киритилган улуш капиталига чекланган мукофот оладилар, бу аъзолик шартидир. Кооператив аъзолари қолдиқ капитални (ортиб қолганини) қуйидаги мақсадларнинг бирига ёки қуйидаги мақсадларнинг барчасига қаратадилар: ўз кооперативини ривожлантириш; кооперативишларида қатнашувига қараб кооператив аъзоларини мукофотлаш; аъзолари мақуллаган кооперативнинг бошқа фаолият турларини қувватлаш.
 - кооперативлар-автоном ўзаро ёрдам ташкилотлар бўлиб, ўз аъзолари томонидан назорат қилинади. Улар бошқа ташкилотлар, шу жумладан ҳукумат ташкилотлари билан келишув тузишса ёки ўз капиталларини ташқи маблағлардан тўлдирса, улар бу ишни аъзолар демократик назорати ва кооператив автономисини сақлаб қолинишини таъминловчи шартлардагина амалга оширади;
 - кооперативлар ўз аъзоларининг улар ўз кооперативлари ривожига самарали ҳисса қўша олишлари учун таълим олиши ва малака оширишини таъминлайди. Улар жамоатчиликни, айниқса ёшларни кооперативлар моҳияти ва улар қандай фойда келтириши тўғрисида хабардор қилади.
 - кооперативлар ўз аъзоларига самаралироқ хизмат кўрсатади ва кооператив ҳаракатини маҳаллий, миллий, ҳудудий ва халқаро даражада ҳамкорликни ривожлантириш орқали мустаҳкамлайди.

Хулоса сифатида шунини айтиш мумкинки, жаҳонда юз бераётган инқироз оқибатларини бартараф этишда маҳаллий кооперациялар фаолиятини самарали ташкил этиш ва Ўзбекистон шароитида фаолият юритишнинг кооперативларнинг юқоридаги тамойилларга катъий риоя қилиш мақсадга мувофиқ.

2. Аграр соҳада олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар негизида фермер хўжаликларини ривожлантириш ҳамда кооперация муносабатларини шакллантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бу эса, меъёрий-ҳуқуқий асосни таъминлаш мақсадида кооперация муносабатларини тартибга соладиган қонун қабул қилинишини тақозо этмоқда. Қонун қабул қилиниб, уни татбиқ этиш бўйича қонуности меъёрий ва ташкилий-услубий ҳужжатлар тизими яратилса ҳамда амалиётга жорий этилса, шубҳасиз, кооперация муносабатларининг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Шундай қилиб, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ҳамда маҳсулотларни қайта ишлаш шаклланиши ва ривожланишининг ўзига хос шароитлари, унинг хусусиятлари, шунингдек қишлоқ хўжалиги кооперациясини ривожлантириш учун ижтимоий-иқтисодий муҳит кооперация турлари ва шакллари, унинг субъектлари, уларнинг давлат билан ўзаро муносабатлари ҳамда бу хўжалик юритиш шакллари қўллаб-қувватлаш бўйича пухта ишлаб чиқилган ҳуқуқий меъёрларга эга қонунчиликни амалга оширувчи мустақил ҳуқуқий механизм сифатида ишлаб чиқиш заруратини ифодалайди.

Қишлоқ хўжалик кооперативларини ва уларнинг ассоциацияларини ташкил этиш ҳамда фаолият кўрсатиши билан боғлиқ муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, “Фермер хўжалиги тўғрисидаги” қонуни ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади. Лекин шу билан бирга қонунчиликда қишлоқ хўжалик кооперативларининг хусусиятлари етарли даражада ёритилмаган бўлиб, бу кооперациялашув ҳаракатини ташкил этиш ҳамда ривожлантиришда бир қанча муаммоларни келтириб чиқаради. Шу муносабат билан қишлоқ хўжалигида кооперация муносабатларини ривожлантириш соҳасидаги муносабатларни тартибга соладиган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни унификациялаш мақсадида “Қишлоқ хўжалигида кооперациялашув тўғрисида” алоҳида қонун қабул қилиниши мақсадга мувофиқ.

3. Кооперация тизими шароитида қуйидаги харажат қаторларини таркиблаш ва фарқлаш лозим:

- сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннари;
- давр харажатлар;
- молиявий фаолиятдан харажатлар;
- фавқулодда харажатлар.

Харажатларни бундай таркибда туркумланиши қуйидагиларга имкон беради:

- ишлаб чиқариш харажатларини бошқа харажатлардан фарқлаш ва ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлигига баҳо бериш;

- молиявий бошқарув юзасидан операцион харажатларни бошқа харажатлардан фарқлаш;
- фермер хўжалиги томонидан олинган даромадларни уларнинг юзага келиши ёки шаклланиши бўйича алоҳида таркиблаш (асосий фаолиятдан, молиявий фаолиятдан ҳамда кутилмаган ҳолатлардан).

Қибрай туманидаги мева-сабзавотчиликка ихтисослашган “Абдукарим фойз боғи” фермер хўжалиги маълумотларини ўрганганимизда, маҳсулот сотишдан олинган соф тушум 2012 йилга нисбатан 2013 йилда 2780,5 минг сўмга ортган, сотилган маҳсулот таннари ҳам 2012 йилга нисбатан 972,5 минг сўмга кўпайган, ушбу кўрсаткичларга мос равишда ялпи фойда кўрсаткичи ҳам 2012 йилга нисбатан 1808 минг сўмга кўпайган. Шунингдек, давр харажатлари 2012 йилга нисбатан 1239,1 минг сўмга кўпайганлигини кўришимиз мумкин. Фермер хўжалиги соф фойдасининг кўпайишига асосан маҳсулот сотишдан олинган соф тушум миқдорининг 2012 йилга нисбатан ортиши таъсир кўрсатган.

Фермер хўжалиги раҳбарияти маҳсулот ишлаб чиқариш таннари ва давр харажатларининг 2012 йилга нисбатан ортишига қандай омиллар сабаб бўлганлигини ўрганиб чиқиши ҳамда уларни келгусида қисқартириш чораларини кўриши лозим. Фермер хўжалиги ялпи фойдасини оширишнинг ички имконияти мавжуд бўлиб, бунинг учун хўжалик раҳбарияти маҳсулот сотишдан соф тушум миқдорини кўпайтириш ва маҳсулот ишлаб чиқариш таннарини пасайтириш бўйича зарур чораларни ишлаб чиқиши керак.

4. Фермер хўжалигида 2013 йилда 2012 йилга нисбатан маҳсулотларни сотишдан олинган соф тушум миқдори 2780,5 минг сўмга ортган бўлсада, бунга мос равишда сотилган маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш таннари ҳам бошқа турдаги активлар ҳам ўсган. Соф фойда миқдори эса 2012 йилга нисбатан 568,9 минг сўмга кўпайган. Умуман олганда, “Абдукарим фойз

боғи” фермер хўжалиги раҳбарияти келгусида рентабеллик кўрсаткичларни янада яхшилаш бўйича ички имкониятларини ўрганган ҳолда тегишли чораларни қўриши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Норматив- ҳуқуқий ҳужжатлар

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари

- 1.1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: “Ўзбекистон”, 1992.
- 1.2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси. Расмий нашр. –Т.: “Адолат”, 2008. –692 б.
- 1.3. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси. Расмий нашр. –Т.: “Адолат”, 2006
- 1.4. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонуни. 1996 йил 30 август. Ўзбекистоннинг янги Қонунлари. №14. –Т.: “Адолат”, 1996.
- 1.5. Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрири). 2000 йил 26 май. Ўзбекистоннинг янги Қонунлари. №23. –Т.: “Адолат”, 2011.
- 1.5. Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрири). 2004 йил 26 август.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари

- 2.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-308 сонли қарори. // Халқ сўзи газетаси, 2006 йил 23 март.
- 2.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-842 сонли қарори. // Халқ сўзи газетаси. 2008 йил 21 апрел.
- 2.3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом. –Т.: Ўзбекистон Республикаси Молиявий қонунлари, 1999.
- 2.4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Хўжалик юритувчи субъектларнинг харажатларини ҳисобга олиш ва молиявий натижаларини шакллантириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 2003 йил 15 октябрдаги 444-сонли қарори. Ўзбекистон Республикаси Молиявий қонунлари, -№12.
- 2.5. Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари тўплами. –Т.: “Норма” МЧЖ, 2006 й. -352 б.
- 2.6. “Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома” БХМС №21. –Т.: “Норма” МЧЖ, 2001 й.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари

- Каримов И.А. Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим. –Т.:Ўзбекистон, 2006, 20-бет.
- Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. -Т.: Ўзбекистон, 2009. -56 б.
- Каримов И.А. Мамлакатда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2010. -56 б.
- Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади: 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза. -Тошкент:“Ўзбекистон”, 2012. -36 б.
- Каримов И.А. “Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги фармони. Халқ сўзи, 2012 йил 23 октябрь. №208 (5628)
- Каримов И.А. Бош мақсадимиз-кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. 2012 йилнинг асосий якунлари ва 2013 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза. -Т: “Халқ сўзи” газетаси, 2012.
- Каримов И.А. Амалга ошираётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қўриш – ёруғ келажакимизнинг асосий омилидир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллигига бағишланган маросимдаги маъруза. 2013 йил 7 декабрь. –Т.: «Ўзбекистон», 2013. -48 б.
- Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади: Мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза. –Т.: «Ўзбекистон», 2014. -64 б. Ўзбек ва рус тилларида.

IV. Асосий адабиётлар

а) бир муаллифнинг:

- Бобожонов О. Молиявий ҳисоб. -Т.: «Шарқ» НМАК, 2000.
- Вахитов К.И. Кооперация: теория, практика. Москва-2006. 556 стр.
- Ваҳобов А.В., Иброҳимов А.Т., Ишонқулов Н.Ф. Молиявий ва бошқарув таҳлили. -Т.: «Шарқ», 2005. - 480 б.
- Гадоев Э.Ф. Молиявий ҳисоботнинг концептуал асослари. Ўзбекистон Республикаси Молиявий Қонунлари, 1999 йил 2-сон.
- Дусмуратов Р.Д. Аудит асослари. –Т.: “Ўзбекистон Республикаси Миллий энциклопедияси” нашриёти, 2003. -612 б.
- Дўсмуратов Р.Д. Аудит асослари. -Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2003. -518 б.
- Do'smuratov R.D. Buxgalteriya hisobi nazariyasi. -Т.: Yangiyo'l poligraf servis, 2013. -476 б.
- Дўсмуратов Р., Машарипов О. Фермер хўжалигида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этиш. Тошкент. 2007. -90 б.
- Do'smuratov R.D., Menglikulov B.Yu. Qishloq xo'jaligida buxgalteriya hisobi va statistika asoslari. -Т.: Fan va texnologiya, 2014. - 392 б.
- Друри К. Управленческий и производственный учет: пер. с англ. -6-е изд. -М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2007. -142 с.

- Жуманов О. Бошқариш ҳисоби: иқтисоди ривожланган мамлакатларнинг тажрибаси. Русчадан муаллифлаштирилган таржима. -Т.: 2001. -152 б.
- Жўраев Ф. Қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш. -Т.: «Истиқлол», 2004. -344 б.
- Камышов П.И. Современная бухгалтерия и аудит на предприятиях и в банках. -М.:ИНФРА-М, 2000. -380 с.
- Каримов А.А. Корпоратив бошқарув тизимида бухгалтерия ҳисоби ва аудит. Монография. -Т.: «Istisod-moliya», 2008. -152 б.
- Кондраков Н.П. Бухгалтерский учет. Учебное пособие. 2-е изд. -М.: Инфра-М, 2008. -412 с.
- Луццати Л. Избранные речи по кооперации и экономике.-М., 1915 г. 104-стр.
- Мицкевич А.А. Управление затратами и прибылью. -М.: ОЛМА-ПРЕСС Инвест; Институт экономических стратегий, 2003. -158 с.
- 4.23. Остонакулов М. Бюджет ҳисоби. - Т.: «Талқин», 2008. -424 б.
- Палий В.Ф. Международные стандарты финансовый отчетности. Учебник. - М.: ИНФРА, 2004. -472 с.
- Палий В.Ф. Современный бухгалтерский учет. -М.: «Бухгалтерский учет», 2003. -792 с.
- Пардаев А. Бошқарув ҳисоби. Ўқув қўлланма. -Т.: Академия, 2002. -176 б.
- Пизенгольц М.З. Бухгалтерский учет в сельском хозяйстве. -М.: Финансы и статистика, 2001. -400 с.
- Под редакцией Шеремета А.Д. Управленческий учет. -М.: ИД ФБК пресс, 2002.
- Савицкая Г.В. Анализ эффективности и рисков предпринимательской деятельности: методологические аспекты. - М.:ИНФРА-М, 2008. -272 с.
- Салова М. Крестьянские (фермерские) хозяйства-основа для развития сельскохозяйственных потребительских кооперативов. // Международный сельскохозяйственный журнал. 2012, №2, С.11-15.
- Соколов Я.В. Учет затрат-от теории к практике. -М.: Бухгалтерский учет. 2005. №6.
- Хасанов Б.А. Бошқарув ҳисоби: назария ва амалиёт. -Т.: «Молия» нашриёти, 2003. -248 б.
- Холбеков Р.О. Ишлаб чиқариш ҳисобини ташкил қилиш тамойиллари ва услубиёти. Монография. - Т.: «Фан», 2005. -198 б.
- Шкляр М.Ф. Кредитная кооперация. Учеб. пособие, Издательско-торговая корпорация «Дашков и Ко». Москва-2006, 333 стр.
- Шеремет А.Д. Управленческий учет. -М.:ФБК-ПРЕСС, 2000. -512 с.
- Юсупов М.С. Қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятини бошқариш. Ўқув қўлланма. - Т.: 2007. -364 б.

б) икки муаллифнинг:

- Абдуғаниев А., Абдуғаниев А.А. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. Дарслик. - Т.: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2006. -288 б.
- Бобожонов О., Жуманиёзов К. Бошқарув ҳисоби. -Т.: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2005. -358 б.
- Бобожонов О., Жуманиёзов К. Молиявий ҳисоб. -Т.: Молия, 2002. -672 б.
- Гадоев Э.Ф., Югай Л.П. Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартини ишлаб чиқиш бўйича тавсиялар. -Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси», 1997. -144 б.
- Дўсмуратов Р.Д., Мамадияров Д.Ў. Қишлоқ хўжалигида бошқарув ҳисоби; услубиёт ва амалиёт. -Т.: «Молия» нашриёти, 2008. -148 б.
- Исмоилов А., Муртазоев О. Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти. -Т.: «Шарқ машъали» нашриёти, 2003. -427 б.
- Нигмаджанов У., Тиллаев А. Условия и причина необходимости возрождения сельскохозяйственных потребительских и других кооперативов в сельском хозяйстве. // Аграр тармоқ иқтисодиётини инновацион ривожлантириш ва агротехнологиялар самарадорлигини ошириш йўллари. -Т.: ЎзБИИТИ, 2014. -180-184 б.
- Мюллендорф Р., Корренбауэр М. Производственный учет.-М.: ЗАО ФБК пресс, 1996.-158 с.
- Очилов И.К., Қурбонбоев Ж.Э. Молиявий ҳисоб. Ўқув қўлланма. -Т.: «Иқтисод-молия», 2007. -488 б.
- Силаева Л., Шохсаидов Р. Развитие сельскохозяйственной кооперации в Российской Федерации и зарубежом. // Международный сельскохозяйственный журнал. 2008, №1, С.30-32;
- Файзуллаева Т.Р., Сабурова З. Қишлоқ хўжалигининг инновацион ривожланишини таъминлашда кооперациянинг роли. // Аграр тармоқ иқтисодиётини инновацион ривожлантириш ва агротехнологиялар самарадорлигини ошириш йўллари. -Т.: ЎзБИИТИ, 2014. -180-184 б.
- Хорнгрен Ч.Т., Фостер Дж. Бухгалтерский учёт: управленческий аспект. -М.: Финансы и статистика, 2000. -416 с.
- Хасанов Б.А., Хашимов А.А. Бошқарув ҳисоби. Дарслик. -Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2005. -260 б.
- Хасанов Б.А., Хашимов А.А. Бошқарув ҳисобида бюджетлаштириш: (ўқув қўлланма).-Т.: Ўқитувчи, 2004.-100 б.
- Шарифхўжаев М., Абдуллаев Ё. Менежмент. Дарслик. -Т.: «Ўқитувчи», 2001. -704 б.
- Энтони Р., Рис Дж. Учет: ситуации и примеры. -М.: Финансы и статистика, 1993.-348 с.

в) уч муаллифнинг:

- Гадоев Э.Ф., Хасанов Н., Югай Л.П. Бухгалтерия ҳисоби: саволлар ва жавоблар. -Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси нашриёти, 1996.-249 б.
- Каримов А., Исломов Ф., Авлоқулов А. Бухгалтерия ҳисоби. -Т.: «Шарқ» НМАК, 2004. -592 б.
- Нидлз Б., Андерсон Х., Колдуэлл Д. Принципы бухгалтерского учёта. -М: Финансы и статистика, 2000. -431 с.

г) муаллифлар жамоаси учун:

- Бакаев А.С. и другие. Бухгалтерский учет. - М.: «Бухгалтерский учет», 2002. -719 с.
- Вохидов С.В. ва бошқалар. Бошқа тармоқларда бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари. -Т.: Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2004. -237 б.

V. Қўшимча адабиётлар

- Дўсмуратов Р.Д., Менгликулов Б.Ю., Мамадияров Д.У., Джураев Б.М. Асаларичиликка ихтисослашган деҳқон ва фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисоби, молия-кредит ва солиққа тортининг хусусиятлари. ТошДАУ Таҳририят нашриёт бўлими, 2010. -Б. 34.

Ибрагимов А.К. ва б. Молиявий ва бошқарув ҳисоби. Ўқув қўлланма. -Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2008. -444 б.
Нидьлз Б. и другие. Принципы бухгалтерского учета. 2-е издание. — М.: Финансы и статистика, 2003. -496 с.
Taking Control of IT Costs (Управление затратами на информационные технологии). Издательство Financial Times, 2000. -272 с.
Хоружий Л.И. и др. Бухгалтерский учет. -М.: Колос, 2004. -511 с.
Emerson G., Davidson S., Maher M. Managerial Accounting: An Introduction to Concepts, Methods and Uses. Third Edition. USA. 2000. — 926p.
Horngren C.T., Foster G. Cost Accounting: A Managerial Emphasis. Seventh Edition. USA. 2001. -964p.

VI. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар

Абдувоҳидов Ф. Фермер хўжаликларида ҳисоб тизимини такомиллаштиришда ҳисоб сиёсатининг ўрни // Иқтисодиёт ва таълим. —Т.: 2007. -№2. —Б. 108-112.
Дўсмуратов Р.Д. Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисоби (оддий, соддалаштирилган шакл) // Бозор, пул ва кредит. — Т.: 2008. -№8. —Б. 30-32.
Ибрагимов А. Бозор иқтисодиёти шароитида бошқарув ҳисоби // Солиқ солиш ва бухгалтерия ҳисоби. — Т.: 2007. -№2. —Б. 15-17.
Каримов А. Бухгалтерия ҳисобининг интеграллашган тизими ва унинг ахборот таъминоти // Бозор, пул ва кредит. —Т.: 2008. №7. —Б. 55-57.
Менгликулов Б., Нуруллаев Т, Бозорова М. Сут чорвачилигига ихтисослашган фермер хўжаликларида кооперацияни ташкил этишнинг зарурлиги. «Ўзбекистон Республикаси АСМ тармоқларида инновацион бошқарув фаолиятини модернизациялаш ва ривожлантириш муаммолари» илмий-амалий конференцияси материаллари. ТошДАУ 2013 йил 27 апрел. 126-127 бетлар.
Менгликулов Б, Нуруллаев Т. Аграр соҳада кооперацияни ривожлантиришнинг аҳамияти. “Аграр соҳада инновацион иқтисодиётни шакллантириш шароитида бошқарув тизимининг ахборот таъминоти, аудит, таҳлил ва молия-кредит механизмини такомиллаштириш” илмий-амалий конференцияси материаллари. ТошДАУ, 2014 йил 7 май. 55-57 бетлар.
Тухсанов Х. Бошқарув қарорларини қабул қилишда ахборотнинг аҳамияти // Корхонани бошқариш. —Т.: 2005. -№4. —Б. 32-40.
Хасанов Б.А. Бошқарув ҳисоби тизимида корхона фаолиятини бюджетлаштириш // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. - Тошкент, 2004. -№3-4. —Б. 54-55.
Каримов А.А. Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобини юритишнинг айрим жиҳатлари. // Социально-экономические проблемы развития интеграционных процессов в условиях либерализации национальной экономики: Сборник научных трудов. - Москва, МГЭИ. 2008. -С. 145-147.
Менгликулов Б.Ю., Мамадияров Д.У., Ибрагимов С., Пўлатов У. Чорвачиликка ихтисослашган хўжаликларда маҳсулотлар таннархининг таҳлили. // “Чорвачилик ҳамда ветеринария фани ютуқлари ва истиқболлари” Республика илмий-амалий конференцияси илмий мақолалар тўплами. Самарқанд, 2010. —Б. 114-117.
Менгликулов Б.Ю., Матчанов М., Пўлатов У. Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш имкониятлари. // “Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда чорвачилик тармоғини иқтисодий, ташкилий ва ҳуқуқий жиҳатдан ривожлантиришнинг аҳамияти” илмий мақолалар тўплами. —Тошкент. ЎзБИИТИ, 2010. —Б. 84-86.
Менгликулов Б.Ю., Болтаев А.С., Мамадияров Д.У. Чорвачилик маҳсулотлари таннархи ва уни пасайтириш имкониятлари. // “Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда чорвачилик тармоғини иқтисодий, ташкилий ва ҳуқуқий жиҳатдан ривожлантиришнинг аҳамияти” илмий мақолалар тўплами. —Тошкент. ЎзБИИТИ, 2010. —Б. 40-42.
Менгликулов Б.Ю., Эгамбердиев С. Фермер хўжаликларида харажатлар ҳисоби ва таҳлили, харажатларни камайтириш имкониятлари. // “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини истиқболлари” мавзусидаги Республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. Андижон-2011 йил. —Б. 302-304.
Менгликулов Б.Ю. Фермер хўжаликларида харажатларни камайтириш имкониятлари. // “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида аграр тармоқ рақобатдошлигини ошириш йўналишлари” мавзусидаги илмий-амалий конференция маърузалар тўплами. —Тошкент. ЎзБИИТИ, 2011. —Б. 70-71.
Менгликулов Б.Ю., Болтаев А.С. Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида фермер хўжаликларида маҳсулот таннархини пасайтириш имкониятлари. // “Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида бухгалтерия ҳисоби, аудит ва таҳлилнинг такомиллаштириш масалалари” Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. —Т.: Тошкент молия институти. 2011 йил 11 октябрь. —Б. 106-108.
Менгликулов Б.Ю., Пўлатов У.Ф. Чорвачиликка ихтисослашган хўжаликларда харажатларни ҳисобга олишнинг айрим масалалари. // “Аграр соҳани модернизациялаш шароитида бухгалтерия ҳисоби, таҳлил, аудит ва молия-кредит масалалари” мавзусидаги илмий-амалий конференцияси маъруза тезислари тўплами. —Т.: ТошДАУ, 2012 йил 8 май. —Б. 40-42.
Хушматов Н.С., Абдуллаева С. Чорвачилик тармоғини ривожлантиришда маҳсулотларни сотиш масалалари. // “Аграр соҳада кичик бизнес ва тадбиркорликни инновацион ривожлантириш: ҳолати ва истиқболлари” мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани материаллари тўплами.—Т.:ТошДАУ.2011 йил 28-29 декабрь.135-138 б
Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 4-жилд. Зебуннисо-Коникул. Таҳрир хайъати: М.Аминов, Т.Даминов, Т.Долимов ва б. Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2002. -704 б.
Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж. II. Е-М/ Таҳрир хайъати: Т.Мирзаев (раҳбар) ва бошқ.; ЎЗР ФА Тил ва адабиёт ин-ти. —Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 206. -672 б.
“Бозор, пул ва кредит”, “Солиқ тўловчининг журнали” ва бошқа соҳага оид журнал ва газеталар 2013 ва 2014 йилдаги сонлари маълумотлари
Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2013-2014 йиллардаги маълумотлари.
Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2003-2013 йиллар бўйича статистик маълумотлари.
Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани “Рамазон” ва Қибрай тумани “Абдукарим файз боғи” фермер хўжалигининг 2012-2013

йиллардаги бизнес-режа ва йиллик ҳисобот маълумотлари.

VII. Интернет сайтлари

[http // www.mf.uz](http://www.mf.uz) – (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги).

[http // www.soliq.uz](http://www.soliq.uz) – (Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитаси).

[http // www.norma.uz](http://www.norma.uz) – (“NORMA-HAMKOR” МЧЖ).